

51.
С 18.

Абу Али ибн Сино

Сирли
табобати

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--


Абу Али ибн Сино

Сирли табобат

(зийнат китоби)

Ибн Сино айтишича, тухумнинг оқи юзга суртилса, қуёшнинг тери рангини қорайтиришига тўсқинлик қилади, қорайганини кетказади. Сариги қовурилиб, асал билан эзилса, сепкил ва офтобда қорайганга қарши суртма бўлади.

«Адабиёт учкунлари» нашриёти
2017



УДК: 398:22-054
ББК: 84.3 (6-С)
С-18

Ушбу китоб ҳозирги кунда энг муҳим ва зарур бўлган масала - инсон чиройига бағишланган бўлиб, у мўйнинг тўкилиши ва пўст ташлашдан сақлайдиган, мўй рангини ўз ҳолига келтирадиган, юз ва қўлни чиройли қиладиган, оқ ва қора песликни йўқотадиган, қўтир, қичима, милкак ва сўгални тузатадиган, тери ёрилишларини битирадиган, семиз кишини эса оздирадиган, тирноқларда юз берадиган эгрилик, улардаги песлик ва моховликни даволайдиган содда ва мураккаб дорилар тавсифидан ҳамда уларнинг ишлатиш йўллариининг баёнидан иборат.

ушбу рисола кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Тўшловчи:

ЎзФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори,
доцент **Ҳамидулла Ҳикматуллаев**

ISBN 978-9943-5098-0-1

© Акмал Нажмиддинов
© «Адабиёт учкунлари» нашриёти, 2017

СЎЗБОШИ

Абу Али ибн Синонинг (980-1037) энг йирик тиббий асари "Тиб қонунлари" ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган бўлса ҳам, уни китоб дўконларидан топиш қийин. Бу китобнинг дастлабки нашри жуда оз, яъни 5300 нусхада чоп этилган. Шунга қарамай, ушбу асарга мутахассисларнинг назарий жиҳатдан қизиқишлари ва касалларнинг ўз касалликларига ундан амалий чора-тадбирлар қидиришлари кун сайин ортиб бормоқда. Бундай ҳоллар хусусан бошқа тиббий китобларда оз ёритилган ёки умуман ёритилмаган масалаларда кўзга яққол ташланади. Шундай масалалардан бири - зийнат (инсон кўркемлиги) масаласидир.

Қўлингиздаги китоб асосан зийнатга хос содда ва мураккаб дориларга бағишланган бўлгани учун китобхонни ўрта аср Шарқда доривор ўсимликларни ва зийнатга оид дориларни ўрганиш тарихига мансуб мақола билан таништиришдан бошланган. Ундан сўнг китобда Ибн Сино ва Абу Бакр Розий (865-925) ишлатган зийнатга тегишли чора-тадбирлар келтирилган.

Китоб сўнггида унда учрайдиган тушунилиши қийин бўлган айрим тиббий истилоҳлар, шахсий номлар ва ўлчов бирликларига изоҳ берилган. Шунингдек, зийнат учун ишлатиладиган ушбу китобдаги содда дориларнинг алифбе тартибида тузилган ўзбекча-арабча-русча луғати илова қилинган.

Ушбу китоб Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамда Ўзбекистон Халқ Академияси Табобат бўлими олимларининг назаридан ўтгани учун илмий маслаҳатчи, ЎзР Фанлар академияси мухбир аъзоси Убайдулла Каримовга, профессор Эркин Қосимовга ва табобат фанлари доктори, профессор Ўзув Зокировга миннатдорчилик билдирамыз.

ЎРТА АСР ШАРҚИДА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ВА ЗИЙНАТГА ОИД ДОРИЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

Илк ўрта асрда Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги, ҳунар-мандчилик, кончилик тараққий этди, ички ва ташқи савдо кучайди. Бу эса табиёт, табобат ва бошқа аниқ фанларнинг тараққиётига замин ҳозирлади.

Ўрта аср доришунослигида унинг табобатига ўхшаб қадимги дунё фан эгаларининг илғор фикрларидан фойдаланилган. Доришуносликка оид бундай фикрлар юнон олимларидан Аристотел, Диоскорид, Гален ва бошқаларнинг тиббий асарларини сурёний ва араб тилларига таржима қилиш орқали ўтган эди. Масалан, Диоскориднинг назарий жиҳатдан "Ҳар қандай ўсимлик тиббий хусусиятга эга бўлади", деган фикри Берунийнинг асарида ёрқин ифодаланган. Ўсимликларни шарҳлаб Шарқда биринчи марта асар ёзган киши Абу Ҳанифа ад-Динаварий бўлган. Абу Ҳанифа Динавар шахрида тахминан 815-25 йилларда туғилади. Аммо ижодининг гуллаган даври Исфahонда ўтиб, 895 йили вафот этади.

Абу Ҳанифа ад-Динаварий ўз замонидаги барча илмлардан бохабар бўлиб, тилшунос, адиб ва ботаник эди. У ўсимликлар ҳақида "Китоб фи-н-набот" номли машҳур асарини ёзади. Бу асар узоқ вақтларгача Шарқ ўсимликшунос ва табиблари учун дарслик бўлган, асарнинг баъзи бир қисмлари бизгача етиб келган ва нашр қилинган.

"Абжад" тартибида ёзилган бу китобда 482 хил ўсимлик баён қилинади ва ҳар бир ўсимликни шарҳ қилиш учун муаллиф замонаси шоирларининг шеърларидан намуналар келтирган.

Абу Ҳанифа ад-Динаварий мазкур асарида қадимги юнон ўсимликшунос-табибларига номаълум бўлган тамар ҳиндий, танбул оғочи, банан ва дафна дарахтининг барги сингари 50 та янги ўсимлик ҳақида маълумот беради. Шунинг

учун ҳам бу асар кейинги вақтларда Шарқда ботаника ва фармакопея илмларининг авж олиб кетишига сабаб бўлди.

Бизгача араб тилида етиб келган доришуносликка оид юнон олимларининг кўпгина асарларини, чунончи, Галеннинг "Содда дориларнинг қувватлари" ва Бадиғурснинг "Содда дориларнинг ўрнига ўтувчилар" кабиларни машҳур табиб ва таржимон Ҳунайн ибн Исҳоқ ал-Ибодий таржима қилган.

Ҳунайн ибн Исҳоқ 809 йили Ҳирада туғилади. Ижодининг гуллаган даври Жундишопур ва Бағдодда ўтиб, 877 йили вафот этади.

Иброҳим Шаббуҳнинг "Феҳрести" асарида "Содда дориларнинг хосиятлари" номли қўлёзманинг бизгача етиб келгани ҳамда унинг Ҳунайн ва Гален асарларидан кўчириб олингани айтилади. Бу рисола бизга Шарқда ўсимлик ва маъдан жинсидан бўлган содда дориларни аниқлаш ва уларнинг инсон аъзоларига таъсирларини ўрганиш Ҳунайн ибн Исҳоқ яшаган даврдан бошланганини кўрсатади. Рисолада ёқутнинг хосиятлари ҳақида шундай дейилади: "Ёқут - унинг энг яхшиси анор рангли қизили, васваслик, хафақон ва юрак заифлигида фойда қилади. Агар инсон тақиб юрса, айтишларича, қон қуйилишига йўл қўймайди".

Доришунослик Шарқ мамлакатларида Ҳунайн ибн Исҳоқдан сўнг яна ҳам ривожланиб кетди.

Ибн ан-Надим (X аср), Ибн ал-Қифтий (1172-1248) ва Ибн Абу Усайбийларнинг (1203-1270) библиографик асарларида доривор ўсимликлар ҳақида араб тилида асар ёзган 100 га яқин муаллифлар зикр қилинади. Буларнинг 30 га яқин нодир қўлёзмалари Шарқ ва Фарб кутубхоналарида сақланмоқда. Улардан баъзиларигина ўрганилган бўлиб, кўпчилик қисми ўз тадқиқотчиларини ҳануз кутмоқда.

Узоқ вақтларгача неча юзлаб дорилар юнонларга маълум бўлмай келган. Булар кейинчалик араб, форс ва турк тилларида табобатга оид асар яратган Шарқ олимлари томонидан кашф этилиб, тиббий амалиётга киритилган.

Содда дорилар терминологиясида ҳам хилма-хиллик бўлган. Чунки ўрта аср Шарқ табобати фанининг назария ва амалиётида юнонча, арабча, яҳудийча, сурёнийча, форсча, ҳиндча ва туркча органик ҳамда ноорганик дориларнинг номлари кўп тарқалган. Содда дориларнинг номларини тўғри аниқлаш ва синонимларини топиш ҳақида ҳам асарлар ёзилган.

Ўрта Осиёда биринчи бўлиб доришунослик илми - сайдала ҳақида Абу Райҳон ал-Беруний (973-1048) ўзининг "Китоб ас-сайдала фит-т-тибб" номли асарини ёзади. Муаллифнинг айтишича, бу илм ал-Беруний даврида табобатнинг энг юқори қисми ҳисобланиб, ҳамма табиий фанлар унга хизмат қилган.

Берунийнинг фармокогнозияга оид китоби ўсимлик, ҳайвон ва маъдан жинсидан бўлган содда дориларни "абжад" тартибида изоҳловчи 700 дан ортиқ мақолачалардан иборат бўлиб, доривор ўсимликларнинг юнон, сурёний, араб, ҳинд, форс ва бошқа тилдаги номларига жуда кўп филологик изоҳ ва синонимлар берилган. Чунки бу даврларда сайдала ва табиёт илми ҳақида асар ёзган олимлар ботаника ва медицина фанига нисбатан тилшуносликка яқин бўлган кишилар эди. Масалан, ал-Беруний даволар ҳақида шундай дейди: "Даволар икки хил бўлади, муфрад содда даволар ва мураккаб даволар. Муфрадлари айниқса ўсимлик бўлса, ақоқир деб номланади. Бу сўз "уққор" сўзининг кўплиги бўлиб, аслида суриячадир, чунки у тилда бир нарсанинг илдизи "уққор" дейилади..."

Ибн Сино юрак ва зийнат дориларининг энг яхшилари қаторига киритган омила ҳақида Беруний бундай дейди: "Амлаж - омила. Бу сурёнийча амлак. Катта дарахт бўлиб, барглари майдадир. Унинг мевасининг мазаси пишгунча озроқ қамаштирувчи, нордон бўлади.

Биз унинг кўкини узум ғўраси ва хом нордон олма офтобда қизаргандек қизаргунча офтобга қўяр эдик. Унинг таъми офтобга қўйилган олмадан деярлик фарқ қилмас эди".

Санскрит, юнон ва яҳудий тилларидаги асарларни ўқий олган ва ўзи учун улардан лозимларини араб алифбесига кўчирган ҳамда сурёний тилини яхши билган ал-Беруний кўп йиллик кузатиш ва тажрибаларида анча муваффақиятларга эришган. Масалан, 18 та қимматбаҳо тош ва маъданнинг солиштирма оғирлигини ҳайрон қоларли даражада аниқлик билан ўлчаган, гул баргларининг сони 3, 4, 5, 6 ва 18 та бўлиб, ҳеч қачон 7 ва 9 бўлмаслиги ҳақида биринчилар қаторида ўз мулоҳазаларини айтган. Шунингдек, Беруний ўрта аср Шарқ тилшуноси, ботаниги, табиби ва минерологидир.

Абу Ҳанифа ад-Динаварийнинг "Китоб фи-н-набот" ва Берунийнинг "Китоб ас-сайдала фи-т-тибб" номли асарлари муаллифлар даврида ва ундан кейин ҳам доришунослик фанида, айниқса, зийнат бобида муҳим рол тутди. Чунки ўсимликларнинг табиатини, сифатини, хусусиятларини билмай ва танимай туриб, уларнинг инсон аъзоларига етказадиган фойда ва зарарлари ҳақида сўз юритиш мумкин эмас эди.

Табобат соҳасида Шарқда ёзилган кўп асарлар орасида доришуносликка оид боблари бўлган ва энг аҳамиятли ҳисобланганларидан бири Абу Бакр ар-Розийнинг "Тиб илмининг барча соҳасини ўз ичига қамраб олувчи китоб", "Мансурга атаб ёзилган тиббий китоб" ва "Қисқа вақт ичида даволаш" китобларидир. Биринчи иккита асар Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" майдонга келгунича медицина фанида асосий қўлланма бўлиб келди.

Абу Бакр ар-Розийнинг Мансурга атаб ёзган тиббий асари 10 китобдан иборат бўлиб, учинчи китоби содда дориларга, саккизинчи китоби одам баданининг бошдан оёққача бўлган ҳамма аъзоларига бағишланган. Ар-Розий ҳозиргача сақланиб келинаётган "Китоб ат-тибб ал-Мансурий" номли қўлёзма асарида содда дориларнинг табиати, хосияти ва инсон аъзоларига етказадиган фойда ва зарарлари ҳақида дастлабки тиббий хабарларни беради.

Ар-Розийдан эллик йил кейин табобат соҳасида улуғ шуҳратга эришган табиб Али ибн Аббос ал-Мажусий

бўлган. У Эроннинг жануби-ғарбидаги Ахваз шаҳрида туғилиб, 994 йили вафот этади.

Али ибн Аббоснинг тиббий асарлари орасида энг муҳими "Комил ас-синоъа фи-т-тибб" ("Табобатга оид комил тажрибалар") ёки "Ал-Маликий" дир. Муаллиф бу китобни Бувайҳ авлодларидан бўлган ва 950-983 йиллардан давлатни идора қилган малик Азуд ад-Довлага бағишлайди.

Араб тилида ёзилган ва "Комил ас-синоъа фи-т-тибб" номи билан машҳур бўлган бу асар табобат назарияси ва амалиётига бағишланган бўлиб, 20 қисмдан иборат. Булардан ўнтаси назарияни ва қолган ўнтаси амалиётни батафсил ёритган.

"Ал-Маликий" Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" гача Шарқ табибларининг ҳурматига сазовор бўлган асосий қўлланмалардан бири бўлиб келган. Фақат "Тиб қонунлари" гина бу китобни иккинчи даражали асарлар қаторига тушириб қўя олган эди.

Шунга қарамай, "Ал-Маликий" да муаллиф юнонларнинг асарида акс этмаган табобатнинг ҳамма соҳасига оид мулоҳазаларни умумлаштириб бера олган. Китоб 20 қисмга тенг бўлинган, шу билан бирга ҳар бир қисмга хос бўлган фикр ва мулоҳазалар кузатиш, тажриба ва танқид остига олинган ва яхши услубда ёзилган.

"Ал-Маликий" да фармакология яхши ёритилган. Муаллиф, айниқса, юнонларга маълум бўлмаган дориларнинг таъсирини қандай қилиб ўрганиш ва кузатиш кераклигини ўргатади. Бу ишда у доривор нарсаларнинг мазаларига таянса ҳам, биринчилар қатори дори таъсирлари аввал ҳайвонларда синаб кўрилиши лозим эканини айтади ва бундай тажрибаларнинг жуда зарурлигини уқтиради. У ҳар йили янги-янги дори кашф этилаётганини ва улар ҳақида қадимги ўтган табиблар ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаганларини ҳам таъкидлайди. Шунинг учун ҳам Али ибн Аббос экспериментал фармакологиянинг асосчиларидан бири сифатида Шарқ табобати тарихидан жой олган.

Ўнинчи аср бошларида Бухорода туғилган Абу Мансур Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрий тиб илмининг йирик олими эди. У касалларни тузатишда зўр маҳоратга эга бўлганидан амир Мансур Сомоний (961-976) уни ўзига шахсий табиб қилиб олади.

Абу Мансур Бухорий нафақат табиб сифатида, балки Ибн Синодек кишини ўзига шогирд қилиб олган ва унга тиб илмини ўргатиб, то бизнинг замонамизгача ўз номининг халқ оғзида шараф билан юришига муяссар бўлган устоз сифатида ҳам машҳурдир. Абу Мансур тибга оид "Мажмуъа-йи кабир дар адвийа-йи муфрада" ("Содда дорилар ҳақида катта тўплам"), "Рисола дар илож-и амрози садр" ("Кўкрак касалликларининг давоси ҳақида рисола") ва "Китоб ғино ва муно" ("Мақсадларни мукамал баён қилган китоб") каби асарларнинг муаллифидир.

Абу Мансур "Китоб ғино ва муно"ни инсон аъзоларида пайдо бўладиган ҳар хил касалликлар, уларнинг дорилари ва даволаш усулларига бағишлайди. Бу араб тилида ёзилган асарнинг бир қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. У қисқача сўзбоши ва қуйидаги уч мақоладан ташкил топган:

- 1) ич касалликлари ва уларни даволаш ҳақида;
- 2) баданнинг сиртида бўладиган касалликлар ҳақида;
- 3) иситма-безгак касаллиги ҳақида.

Ўрта асрлар Шарқида ўсимлик ва зийнатга оид дориларни ўрганиш тарихига бир назар ташлар эканмиз, юқорида номлари зикр этилган олимларнинг ботаника ва доришунослик фанининг дастлабки ўрганилиши ва унинг кейинги даврдаги тараққиёти учун катта ҳисса қўшганликларини биламиз.

Жумладан, Ибн Сино ўз замонасига қадар табобат эришган ютуқлардан фойдаланган, ёзиб қолдирилган асарларни синчиклаб ўқиб ўрганган олим эди. Шу билан бирга у ўзининг кузатиш ва тажрибалари жараёнида қўлга киритган ютуқлари билан табобатни бойитган, тиб илмининг ўрганилмаган соҳаларини ўрганган ва улар ҳақида

айрим-айрим мустақил асарлар яратган тараққийпарвар табиб эди. Бунга қўлингиздаги Ибн Синонинг "Зийнат китоби" яққол мисол бўлади.

Абу Али ибн Сино (980-1037) табобат соҳасида жуда кўп асар яратган. Улардан 30 дан кўпроғи бизнинг давримизгача етиб келган ва энг муҳимлари ўзбек ва турк тилларига таржима қилинган. Олимнинг шоҳ асари "Ал-Қонун фи-т-тибб" ("Тиб қонунлари") қуйидаги бешта китобдан иборат:

- 1) назарий масалалар (куллиёт)га бағишланган;
- 2) содда дориларга аталган;
- 3) айрим аъзоларда юз берадиган касалликларга оид;
- 4) бадан аъзоларига умумий бўлган касалликлар ва зийнатга тегишли;
- 5) мураккаб дориларга бағишланган.

Мазкур "Қонун"нинг бешта китобидан фақат иккинчи ва тўртинчисидагина зийнат масаласига махсус тўхталган.

2-китоб доришуносликка бағишланган бўлиб, унда ўсимлик, маъдан ва ҳайвонлардан олинадиган 810 та содда дорининг номи алифбо тартибида жойлаштирилиб таърифланади ва ҳар бир дорининг қайси касалликка даво экани ва бунинг натижасида инсон аъзоларига қандай зийнат бахш этиши кўрсатилади. Бу китобдаги 810 та содда дорилардан 266 таси зийнатга оид бўлиб, бу ҳол Ибн Сино ўз ижодида зийнатга жуда катта аҳамият берганини кўрсатади. Биз қўлингиздаги китобга мазкур 266 та дориларнинг зийнат ҳақидаги бобларини ҳеч қандай ўзгаришсиз киритдик.

"Қонун"нинг тўртинчи китоби етти фандан иборат бўлиб, охириги еттинчи фани зийнатга бағишлангани учун у "Зийнат" деб аталган. "Зийнат" фанида асосан мураккаб дориларни қўллаш билан кишилар муолажа қилинади ва уларга зийнат бағишланади. Ибн Сино томонидан тавсия этилаётган барча содда ва мураккаб дорилар, жумладан, мўйни тўкилишдан сақлайдиган, сочи узайтирадиган, "тулки касаллиги" ва "илон касаллиги"ни даволаш кабилар 29 бобда баён қилинган (тўлиқ маълумот олиш учун қўлингиздаги китоб мундарижасига қаранг).

"Зийнат" фанининг сўнггида Ибн Сино уни қуйидаги сўзлар билан яқунлайди: "Зийнат китоби" тугади ва шу билан бирга "Қонун"нинг тўртинчи китоби ҳам тамом бўлди". Демак, "Қонун"да келтирилган зийнат ҳақидаги маълумотлар муфассал бўлиб, у мустақил китоб деб аталиши ҳақлидир.

ЗИЙНАТ ҲАҚИДА ИБН СИНО ВА АБУ БАКР РОЗИЙ АЙТГАНЛАРИ

Ибн Синонинг содда дориларга бағишланган "Тиб қонунлари"нинг иккинчи китобини ўрганар эканмиз, биринчи галда "Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган "Касалликлар тарихи" номли асарида маълум бир касалликка қарши ишлатилган дори Ибн Синода ҳам шу касалликка қарши ишлатилганми ёки йўқми?" деган савол туғилди. Текшириш шуни кўрсатдики, содда дориларнинг кўпчилик қисмидан Розий қандай мақсадда фойдаланган бўлса, Ибн Сино ҳам шу мақсадда фойдаланган экан. Бу ҳол масаланинг бир томони, холос. Ибн Сино ўзидан олдин ўтган табибларнинг тиббий-назарий фикрларидан, даволаш усулларидан ва улар кашф қилган содда ва мураккаб дорилардан ўринли фойдаланган. Шу билан бирга Ибн Синонинг ўзи ҳам янги-янги назарий ва амалий тиббий кашфиётлар муаллифидир. Шунинг учун биз қуйида асосан жуда кўп кишилар муҳтож бўлаётган зийнат учун ишлатиладиган содда дорилар, айрим ҳолларда эса мураккаблари ҳақида ҳам сўз юритамиз. "Тиб қонунлари"нинг содда дориларга бағишланган қисмида зийнатга оид боб бўлиб, унда киши кўркини бузадиган турли иллатларга даъво бўлувчи зийнат бағишловчи ва баданнинг барча аъзоларига ҳусн берувчи дорилар тавсиф қилинган. Қуйидаги шундай дорилардан баъзиларини келтирамыз ва уларнинг ижобий таъсирини "Касалликлар тарихи"дан қиссалар келтириб исботлаймиз.

«Тулки касаллиги», яъни мўй тўкилиши ҳақида

Ибн Сино айтишича, пиёз юзни қизартиради. Уруғи доғни кетказади. "Тулки касаллиги"да эса мўй тўкилган ерга ишқаланса, жуда фойда қилади. Уруғи туз билан қўшиб ишлатилса, сўгалларни қўпоради. Денгиз пиёзи ҳам зайтун ёғи билан сўгалларга суртилса, уларни тўкади. "Тулки касаллиги" ва "илон касаллиги"да суртилса ва ишқаланса, сочни ўстиради. Денгиз пиёзи, айниқса, хомининг мағзи товон ёрилганида фойдалидир. Сиркаси рангни чиройли қилади.

Абу Бакр Розий эса бундай дейди: "Дорой ал-Ақволда яшовчи бир киши менинг ҳузуримга келди, унинг бошида икки бармоқдай жойда "тулки касаллиги" бор эди. Унга ўша жойни латта билан қонагунча ишқала, деб кўрсатма бердим. У шундай қилди, бироқ кўп марта, ҳаддан ташқари ишқалаганидан у жойда пуфакчалар ҳосил бўлди. Шундан кейин ўша жойга товуқ ёғи суртишни буюрдим. Натижада ачишиш босилди ва бир ойда сочи аслидан яхшироқ, қорароқ ва қалинроқ ўсиб чиқди".

Ҳар хил рангдаги доғлар ва пес касаллиги ҳақида

Ибн Сино айтишича, ситроннинг сиқиб олинган суви рангни тоза қилиб, сепкилни кетказади. Қобифнинг куйиндиси песга суртиладиган яхши доридир. Балозур песни, сўгални, теридаги нақшларни кетказади ва балғамли "тулки касаллиги"ни тузатади. Парпини суртиш ва базаржали деб аталган жуворишндан ичиш песни кетказади, шунингдек, моховга ҳам фойда қилади. Чинор қоби-ғида тозалаш ва қуритиш қуввати бор. Кўпинча песга қарши фойдалидир. Қайрағоч тугунидаги рутубати юздаги доғларни кетказади. Игир рангни тозалайди, доғ ва песга фойда қилади. Қўзиқулоқнинг шароб билан қайнатилган куюқ суртмаси пес ва темираткига фойдалидир. Етмак пес ва доғни, айниқса, қорасни ҳамда сепкилни кетказади. Айиқтовоннинг барглари ва шохларини қуришидан илгари ишлатиб, озгина фур-

сат боғлаб қўйилса, пес, тирноқлардаги оқларни кетказади ҳамда "тулки касаллиги"ни тузатади. Ёввойи гул - ҳампша-баҳорнинг япроғидан қуюқ суртма қилиб, песга олти соаттача суртиб қўйилса, яхши илож бўлади. Бунинг қуюқ суртмасини қўйгандан кейин арпа уни истеъмол қилиниши муносиб бўлади. Янчилган гул баҳор офтобида доғга чапиб қуригунича қўйилса, сўнг уқалаб ташланса, уни тузатади.

Абу Бакр Розий эса бундай дейди: "Бир кишида пўст ташлайдиган пес касаллиги бор эди. Устоз Розий унга мохоний ҳабдан бир ичим ичиб, шўр балғам моддасини чиқаришни, ҳаммомга тушиб туришни, пес бўлган жойга гул ёғи ёки қаймоқ суртишни ва сиканжубин қўшиб аралаштирилган сувдан кўп ичишни буюрди. Бу касалликни қуруқ ерга ўхшаб тузатиб бўлмайди, аммо сув билан ва ҳўллаш билан тузатса бўлади".

Юқорида Абу Бакр Розий тилга олган мохоний ҳаби катта сассиқ ҳаблар хилига киради. У ҳақда Ибн Сино "Тиб қонунлари"нинг 5-китобида шундай дейди: "У ҳаб ғализ хилтларни чиқаради ва тиқилмаларни очади, шунингдек, бўғин ва ёнбош оғриқларига ҳамда баҳақ, песлик, мохов ва "филлик" касаллигига фойда қилади. Бу ҳаб мохоний исми билан танилган".

Таркиби: қаврак елими, эрон қавраги, говшир, муқл, сабр, исирик, халила ва Абу Жаҳл тарвузи этларининг ҳар биридан саккиз дирҳамдан, елимли сутўт, девпечак, фарфиюн, чакамуғ ва савринжонларнинг ҳар биридан тўрт дирҳамдан, турбуддан ўн дирҳам, қундуз қиридан икки дирҳам, сақмуниёдан уч дирҳам, дарахт пўкагидан икки дирҳам, заъфарон, сунбул, қоқила, оқ гулхайри илдизи, чаёнўт, дорчин ва хавлинжонларнинг ҳар биридан бир дирҳамдан олинади. Буларни майдалаб, одатдаги усулда ҳаблар тайёрланади.

Семиртириш ҳақида

Ибн Сино шундай дейди: "Баданни озиқлантириш ва семиртириш учун маска ёғи суртилади. Ҳабб уз-залам

семиртиради. Наша уруғи ҳам семиртиради, ҳам чиройли қилади. Ёввойи сано уруғи семиртиради. Долчин семиртиради". Айтишларича, юз рангини ва бадан тусини чиройли қилади. Леканора жуда семиртирувчидир. Аччиқ бодом сепкил, нуқтали қонталаш излари ва офтобдан қорайишга қарши қўлланилади. У юздаги ажинларни ҳам ёзиб юборади. Аччиқ бодом дарахтининг илдизи эса қайнатиб қўйилганда сепкилга қарши восита бўлади. Ширин бодом ейилса, семиртиради. Сут семиртиради. Ҳатто офиз суви иссиқ ва қуруқ мизож сабабли озган одамларнинг мизожини ҳўллаш ва ёмон хилтларни чиқариш, шу билан озикни яхшилаш орқали семиртиради. Қатиқ темир тўполи билан берилса, ўшандай одамларни тез семиртиради. Каклик гўшти семиртиради. Анжир баданда тез тарқалади ва у ёғ тўплаб семиртирувчи ва битлатувчи ҳамдир.

Абу Бакр Розий айтишича, бир кишида қизамиқ касаллигидан сўнг қусиш ва кўнгил айниши юз бериб, бурнидан кўп сув оқар эди. Устоз Розий бурнидан оққан сув сабабли омон қолган, деди. Агар бу сув оқмаганида суёқ ва тез-тез ич кетиш юз бериб, бу кишини ҳалок этарди. Сўнгра қизил гул кулча дориси ва уд кулча дорисини истеъмол қилишни, юрагининг тепасига сандал ва кофур суртишни буюрди. Узум ғўрасининг суви ёки татим сувида пишган жўжа ва бошқа қуш болалари билан овқатланиб, баданини қувватлантиришни ҳамда касалдан янги турганларга қўлланадиган бошқа тадбирларни тайинлади.

Ингичка оғриқ (диққ) касаллигидан озиб кетган бир қиз болани олиб келдилар. Устоз Розий уни ҳар куни иссиқ сувга ўтқазиш, баданига гунафша ёғи суртиш ва бу китобда тилга олинган шакарсиз арпа суви билан озғинлиги тузалгунча чора кўриш керак, деди. Ундан сўнг иссиқ сувга ўтқазиш ва гунафша ёғини суркашни такрор буюриб, қовундан ташқари ҳўл меваларни ейишга рухсат берди.

Саккиз яшар бир озғин болани олиб келишди. Овқат ейишида камчилик йўқ, лекин кундан кунга озиб, ингичкалаб кетяпти, кўп чанқайди ва ухлаганда эрталабгача сийиб қўяди, дедилар. Устоз унга арпа ва анор суви ёки

ғўра сувини ҳамда шу касалликка муносиб бошқа дориларни истеъмол қилишни буюрди.

Бир киши: "Меъдамда арпа суви сингмайди ва тўхтамайди", деди. Устоз унга "Арпа сувини ўшанча миқдорда анор донининг суви билан аралаштириб ич, шунда меъданг бақувватлашади", деб буюрди. Устоз нордон нарсаларнинг ҳаммаси тишларни қамаштиради, фақат семизўт бундай эмас, мулойимлиги нордонлигидан ортиқча бўлган нарсалар шундай, деди. Нишопур оқ равоччи тишларни қамаштирмайди, чунки унда мулойимлик бор. Аммо ёввойи қизил равочда нордонлик кучли бўлиб, у қамаштиради. Бирор киши семиришни хоҳласа, қаттиқ чанқамагунича сув ичмасин, ичганда ҳам озгина-озгинадан ичсин, сувга қонгунча ичмасин, деди.

Бадан ва юз рангининг синиқиши ҳамда уларнинг даволари ҳақида

Ибн Сино айтишича, тухумнинг оқи юзга суртилса, қуёшнинг тери рангини қорайтиришига тўсқинлик қилади, қорайганини кетказади. Сариги қовурилиб, асал билан эзилса, сепкил ва офтобда қорайганга қарши суртма бўлади. Ўрдак ёғи, панжангушт, халила рангни тозалайди. Боқила рангни яхшилайди. Иссоп рангни чиройли қилади. Сарик йўнғичқа ёғи ранг бузилганига, айниқса, кўз атрофида бўладиганига қарши яхши доридир. Самоъий лойи гавдани тиниқ ва чиройли қилиб, юзни ярақлатади. Зира юзни тиниқ қилади. Сут баданга суртилса, теридан хунук изларни кетказади; ичилса, терининг рангини яхшилайди. Лекин туя сути бундан мустасно бўлиб, ундан оқ доғ пайдо бўлиш хавфи бор, бироқ бу ҳол камдан-кам содир бўлади. Сут шакар билан ичилса, юзнинг рангини (айниқса, хотинларнинг) чиройли қилади. Гулсафсар билан юз ювилса, тозалайди, ялтиратади ва ажинларни кетказади.

Абу Бакр Розий айтишича, қони сафроли бўлган бир йигитда эшак еми тошган бўлиб, бир қанча марта қон

олдирган экан. Ҳозир баъзи аъзоларида оғриқ ва баданининг ҳаммасида эса синиқиш бор эмиш. Устоз Розий ҳар уч кунда бир марта эрталаб бир катта қадаҳда ўрик ивигилган сув ичиб, бир соат ўтгач, бир қадаҳ анор суви ичишни буюрди. Овқатга нордон таомларни тайинлади.

Халила қайнатмасининг таркиби бундай: халила ўн дирҳам, шоҳтара ва маккий сано уч дирҳам олиниб, етарли миқдордаги тоза сувда қайнатилади. Сузилгандан кейинги тиниқ сувга йигирма дирҳам шакар қўшиб истеъмол қилинади.

Бир киши деди: "Ироқдан Рай шаҳрига келдим, совуқдан иситмалар эдим. Хато қилиб менга совуқлик нарсалар бердилар, натижада юзим қорайиб, қусиш ва ич кетиш кўп бўлаган бўлди. Эндиликда меъда оғриғи пайдо бўлди. Сув ва бошқа суюқлик нарсалар ичолмайман. Ҳозирги вақтда иситма мендан кетган эди. Устоз Розий иситманинг кетганини айтиб, ўтганинг бўшанишдан, деди ва қуйидагиларни буюрди: крахмал ва катиरो - ҳар биридан икки дирҳам, пўсти олинган бодом, оқ кўкнор уруғи ва боқила уни - ҳар биридан беш дирҳам олиб, сабистон олхўриси шираси билан қориштирилгандан кейин озгина-озгина истеъмол қилинади. Ундан кейин бодом ёғи хўплаб ичилади. Шунингдек, янги соғилган илиқ сут олдида турилади. Бир гал бодом ёғидан хўплаб, иккинчи гал илиқ сутдан бир дирҳам миқдорида хўпланари. Овқат бодом ёғи билан ундан тайёрланган фолузаж бўлиши лозим. Фолузаж ҳолванинг бир туридир".

Сочни тарбиялаб узайтириш ва ҳар хил рангга бўяш ҳақида

Ибн Сино айтишича, марсин ёғи, шираси ва қайнатмаси соч илдизини кучли қилади ва тўкилишига монеъ бўлади, шунингдек, сочни узайтиради ва қорайтиради. Араб акасиясининг шираси (ёки елими) сочни қорайтиради, рангни яхшилайдди. Омила соч илдизини қувватли қилиб, уни қорайтиради. Озоддарахт сочни узайтиради. Ёввойи "сигир қуй-

руқ"нинг олтин рангли гули сочни қизартиради. Боқила пўстидан қуюқ суртма қилиб, сочга суртилса, уни юмшоқ қилади. Мирта ёғи мўй ўсадиган ерларни пишиқ ва кучли қилади ҳамда мўйни қорайтиради. Қуст ёғи мўйни ёшлик чоғидагидек қилиб сақлайди. Аччиқ бодомнинг ёғи асал билан, айниқса, мурр, гулсафсар илдизи ва эритилган мум ҳамда қайнатилган узум шарбати билан қўшиб бошдаги қазғоғу кепакланишга қарши суртилса, фойда қилади. Ўсма мўйни бўяйди. Заҳра сочни ёзади, соч қазғоқланишига яхши доридир. Ликий шираси, хусусан, унинг Ҳиндистондан чиқадиган хили мўйни қизартиради ва кучли қилади. Ток лойи мўйни ўстирадиган суртмалар, соч ва қошни бўяйдиган бўёқлар таркибига киради. Марказит тери тагидаги қамалиб қолган рутубатларни шимдиради, сочни майинлаштириб, жингалак қилади. Кунор дарахтининг меваси мўй тўкилишига тўсқинлик қилади, уни узайтиради, кучли ва майин этади. Кунор дарахтида бош қасмоғини ва кепagini кетказадиган, мўйни қизартирадиган елим бор. Кунжут сочни узайтиради. Айниқса, пояси ва баргининг шираси шундай, улар сочни юмшатади ва қазғоқни кетказadi. Кунжут ёғида марсинни қайнатиб ишлатилса, сочни тўкилишдан сақлайди, уларни қувватли ва пишиқ қилади. Мози суви ва у ювилган сув сочни қорайтиради. Маймунжоннинг шохлари ва барги қўшиб қайнатилган сув сочни бўяйди. Ладан мўйни ўстиради, қуюқлаштиради, кўпайтиради, сақлайди, айниқса, марсин ёғи ва шароб билан ишлатилганда шундай қилади. У латиф чуқур сингувчи, эритувчи ва этни еювчи, бузуқликни тозаловчи ва мўй учун яроқли моддани тортувчи бўлгани учун шундай таъсир кўрсатади. Лекин бошланаётган ялтироқ каллик касалига, сочнинг сийраклашиши ва тўкилишига қарши кучли фойда қилади. Дармана секин ўсадиган ва тўкилиб кетадиган соқолни ўстиради.

Абу Бакр Розий айтадики, бир хотин келиб: "Бошимнинг баъзи жойларидан соч бўлак-бўлак бўлиб тўкилаёттир, бошим тепасида қаттиқ ҳарорат бор ва гоҳида менда васвасага ўхшаш бир ҳол юз беради", деди. Устоъ Розий унга сачратқи суви билан тайёрланган ~~сув~~ ~~сув~~ ~~сув~~

маси истеъмол қилишни, гунафша ёғини бурунга тортишни, бошига гул ёғи ва гул суви қуйишни ва жинсий алоқани аввалгидан кўпроқ қилишни буюрди.

Сафро мизожли бир йигитнинг сочлари тўкилар эди. Айниқса, ҳаммомда жуда кўп тўкиларди. Устоз ундан "Сен олдин бир касалликка учраган эдингми, бу иллат ўша касалликдан кейин пайдо бўлдими?" деб сўради. У йигит: "Ҳа, роса бир ой иситмаладим", деди. Шундан сўнг устоз Розий унга ҳар куни қор билан совутилган буғдой талқони (қайнатмаси)дан бир ичим истеъмол қилишни ва ҳар куни кечаси бошига марсин ёғи суртишни буюрди. Ҳаммомга тушишдан ўзингни тий, деб таъкидлади.

Ориқлатиш ва гўштдор кишилардан гўшни камайтириш ҳақида

Ибн Сино айтишича, тузланган эски балиқ ориқлатади. Лок жуда қаттиқ оздиради. Сандаракнинг бир дирҳамининг тўртдан уч қисми миқдоридегисини сувга ва сиканжубинга солиб ичирилса, жуда ҳам оздириб юборади. Мурчни натрун билан қўшиб ишлатилса, оздиради. Қайқаҳун ҳам оздириш хусусиятига эга.

Абу Бакр Розий айтадилар: "Табиблар Ал-Ҳусайн ибн Абдувайҳнинг ўғли ҳақида унинг тўлалигига қараб рутубатли касалликка учраган, деб ўйлаганлар. Чунки улар гўштдор киши билан семиз кишини фарқлай олмас эдилар. Унинг бўғинларида бир оз оғриқ пайдо бўлиб, кейинчалик йўқолган экан. Ундан бир неча марта қон олдим ва ҳар ҳафтада бир марта унга сафро ҳайдовчи сурги дори бердим, чунки унинг сафро хилти йирингли ва ўткир эди. Нордон, чучмал ва буриштирувчи овқатлар тайинладим. Ширинлик, ёғли ва ўткир нарсалар ейишни ман қилдим. Касаллиги енгиллашди ва унинг арзимас аломатларигина қолган эди. Шу тadbирни анча вақtgача давом эттирган эдим, тузалди ва шу билан бирга унинг баданидаги гўшт камайди".

Сўгал ва уни кетказиш ҳақида

Ибн Сино айтишларича, сутли ўтлар тут шаклидаги сўгални ва умуман сўгалларни, холларни ва тирноқлар атрофидаги ортиқча этларни қўпоради. Газакўт сода билан қўшиб сўгал ва тут шаклидаги сўгалларга қўйилади. Геккон калтакесагини янчиб боғланса, сўгалларни кўчиради. Михсимон сўгалларни ҳам қўпориб чиқаради. Галбан елими ясмиқсимон сўгалларни кетказади. Седана осилиб турувчи сўгалларни йўқотади. Анжирнинг хоми, шунингдек, барги ҳам сўгал ва буларнинг ҳар хил турларига суртилади. Анжир, айниқса, одам анжир тутсимон ўсма-ларни, унинг баргидан олинган суви бадандаги сунъий нақшнинг изларини кетказади. Пиёз уруғи туз билан қўшиб ишлатилса, сўгалларни қўпоради. Семизўт билан сўгалларни қирадилар. Итнинг сийдиги ҳам сўгалларга ишлатилади. Қўйнинг қумалоғи сирка билан чумолисимон жуводдизсимон ва тутсимон сўгалларга суртилади. Ток суви чумолисимон сўгалларга дори бўлади. Ловужард сўгалларни тушириб юборади. Анжирнинг хоми, шунингдек, барги хол, сўгал ва буларнинг ҳар хил турларига, доғларга суртилади. Мажнунтол ёғочининг кули сирка билан сўгалга қўйилса, қуритади. Осилган ва осилмаган бўлса ҳам, уни кўчириб туширади.

Абу Бакр Розий эса айтишича, бир болага сўгал чиққан эди. Устоз Розий унга ҳар ойда девпечак қўшилган халила қайнатмасини сабир билан истеъмол қилиб юришни буюрди. Бу қайнатма болалар учун шундай миқдорда тайёрланади: сариқ халила, шоҳтара, Маккий сано ва девпечак - ҳар биридан беш дирҳамдан олиб, етарли миқдордаги тоза сув билан қоидага мувофиқ қайнатилади.

Бир кишининг баданига сўгалга ўхшаш тошмалар тошган бўлиб, улар юмшоқ ва ичи сув билан тўлган эди. Устоз Розий бу қон чиқиндиларини касал табиати сингдириб юборишдан ожизлик қилган, деди. Касалдан "Қон олдиридингми?" деб сўради. У киши: "Аввалги йили қон олдириб енгил тортган эдим", деган эди, устоз унга "Ҳар

ойда бир марта қон олдир ва тўрт марта халила қайнатмаси истеъмол қил", деб буюрди.

Сепкил ва унинг давоси ҳақида

Ибн Сино айтадики, гулсафсар илдизи ўзи баробарича харбақ билан қўшиб ишлатилса, сепкил ва нуқтали қонталашларни кетказади. Сиқиб олинган ситрон суви рангни тоза қилиб, сепкилни кетказади. Тухумнинг оқи юзга суртилса, қуёшнинг тери рангини қорайтиришига тўсқинлик қилади, қорайганини кетказади. Сарифи қовурилиб, асал билан эзилса, сепкил ва офтобдан қорайганга қарши суртма бўлади. Қовун терини тозалайди, айниқса, уруғи ва ичидаги бошқа нарсалар сепкил, доғ ва бошнинг кепакланишига фойда қилади. Унинг ичидагисини қандай бўлса, шундайлигича буғдой уни билан хамир қилиб, офтобда қуритилса, юқоридаги таъсирни беради. Айиқ қони несик ҳолда суртилса, доғ ва сепкилга фойдалидир. Канақунжут ёғи қора доғ ва сепкилга яхшидир. Келин тили янгисининг уруғи билан янчиб, юздаги доғларга, сепкилга ва эскирган нуқтали қизил қонталашга суртилса, уларни кетказади. Қорайўнғичқанинг ёввойиси ва экиладигани сепкилга қарши ишлатилади. Аччиқ бодом дарахтининг илдизи қайнатиб қўйилганда сепкилга қарши кучли восита бўлади. Сўлак, сепкилни, ўлик қонни кетказади. Сигир сутидан қилинган оғизнинг сути суртилса, сепкил ва доғларни кетказади, гоҳо ичганда ҳам шуларга фойда қилади.

Мураккаб дорилардан намуна: турп уруғи ва хардал сиркада ивитилган анжир билан қориштирилса, сепкилни кетказадиган дорилардан бўлади. Хардал ва зирнихдан тайёрланган дори пўстни бир оз шилса, лекин шилинган жойни яра қилмайдиган бўлса, у ҳам сепкилни кетказадиган дорилардан бўлади.

Мана бу дори жуда фойдали бўлиб, тенги кам учратади, унинг таркиби қуйидагичадир: симобдан икки дирҳам олиб, уч дирҳам янчилган аччиқ бодомга қўшиб ўлдирилади; симобдан асар қолмайдиган бўлиб ва ян-

чилган бодом қорайиб кетгунча эзилади. Сўнгра шуларнинг ҳаммасича жуда майда янчилган қовун уруғи қўшилади ва бу таркибни бир ҳафта давомида ҳар кеча суртиб, эрталаб ювиб ташланади.

Абу Бакр Розий айтадиларки, бир боланинг юзида сепкил бор эди. Устоз Розий унга девпечакдан бир ичим бериб, пишлоқ зардоби истеъмол қилиб юришни буюрди.

Тиш ва оғизни соғлом, озода, хушбўй тутиш ҳақида

Ибн Сино айтишларича, яман долчини оғизни хушбўй қилади. Лимонўт оғизни жуда хушбўй қилади. Аристолохия, айниқса, унинг думалоқ хили тишларни ялтиратади, кирини кетказади. Петрушканинг боғда ўсадигани оғиз ҳидини жуда яхшилайдди. Мастаки тишни тозаловчи дориларга, пардоз мойларига қўшилади ва ҳусндор қилади. Мирра оғизда тутилса, оғизнинг ҳидини яхши қилади, ёмон ҳидини кетказади. Куйдирилган туз тишни тошлардан тозалайдди. Малобатр тил тагига олиб турилса, оғизни хушбўй қилади, ўйилишига йўл қўймайди. Денгиз қисқичбақасининг куйдирилгани тишларни тозалайдди. Какликўт тиш тошларида яхшидир. Тузланган балиқдан қилинган нонхўриш меъда бузилиши натижасида пайдо бўладиган оғиз ҳидланиши ва меъда бузуклигини йўқотади. Қалампирмунчоқ оғиз ҳидини ёқимли қилади. Бетел нафасни хушбўй қилади, оғиздаги ёмон ҳидни кетказади ва тишларни қизартиради. Хавлинжон оғизнинг ёмон ҳидини яхши қилади. Олтин оғизда ушлаб турилса, оғизнинг ёмон ҳидларини кетказади. Балиқ елими оғиз касалликларида ва песга қарши ишлатиладиган дорилар таркибига киради. Шеролчин, яъни назла ўтининг илдизи чайнаб оғизда тутиб турилса, оғизнинг оқариб оғришига қарши фойда қилади. Назла ўтининг қайнатмаси эса тиш оғриғига, хусусан, совуқдан бўладиганига фойдалидир. Илдизини сирка билан қайнатиб, оғизда ушлаб турилса, қимирловчи тишларни маҳкамлайди.

Абу Бакр Розий айтадиларки, бир йигит тиш оғриғига учраб, сийдиги қизарган эди. Устоз Розий унга қортиқ

қўйиш билан бирга чаҳор рағ деб аталган томирдан қон олдиришни буюриб, шеролчин чайнашни, сирка билан оғиз чайишни ва эрталаблари анор суви ичишни тавсия қилди.

Бир кишининг тишларидан биттасини қурт еган эди. Устоз Розий бошқа тишларни ҳам ишдан чиқармасин, деб олиб ташлашни буюрди. Ундан кейин ўша тишининг ўрнига янчилган зок қўйишни тайинлади. Тиш хусусида зок доғлаш ўрнига ўтади, деди.

Бир хотин тиш оғриғидан шикоят қилиб, оғзимга совуқ сув олсам, жуда алам беради, деди. Устоз Розий "Ақрабодин"да ёзилган фалтафиқун деб номланган иссиқ дори билан тишларни ишқалашни ва иёраж ҳабини истеъмол қилишни буюриб, овқатга нўхат шўрва, асал ва исфидбожлар каби таомлар бўлишини тайинлади.

Бир кишининг тишларида оғриқ, оғзида тошмалар ва бошида алангаланиш бўлиб, сийдиги сариқ эди. Устоз Розий унга қон олдиришни буюрди.

Бир кишида тиш оғриғи бўлиб, совуқдан азият чекар эди. Устоз Розий унга ёғни иситиб, бир соатгача оғзинг-да тутиб тур ва тузни қиздириб, ташқарисидан лунжинг устига қўй, деб буюрди.

Бир кишида тиш оғриғи бўлиб, совуқ сув ичганда роҳатланар эди. Назла ўти ҳам пором келган, юзида ва милкида бўлган шишлар иссиқ эмас эди. Устоз Розий ўша томон томиридан қон олдиришни ва иёраж ҳаби билан бўшалишни буюрди. Шиш ортиб кетмасин, деб ҳаммомга тушишни ман қилди. Шунингдек, кам овқат ейишни уқтирди. "Томирдан қон олиш билан иёраж истеъмолини биргалаштирганингизнинг сабаби нимада?" деб устозга савол бердим. "Чунки иссиқлик ва совуқликнинг ҳеч бирида ошиб кетиш йўқ, иллат ёлғиз ортиқча моддадандир. Шундай қилиб, ҳам қифолдан қон олиш билан, ҳам иёраж ҳаби билан бошни тозалаш талаб этилди", деди.

Қуйида "Қонун"нинг II ва IV китобларидан сайлаб олинган зийнатга оид маълумотларни ўқийсиз.

Ҳ.Ҳикматуллаев

ЗИЙНАТГА ОИД СОДДА ДОРИЛАР

Эрман

Эрман рангни яхшилаиди. "Тулки касаллиги" ва "илон касаллиги"га фойда қилади. Кўз ости ва бошқа ерларда бўладиган гунафша рангли изларни йўқотади. Эрманнинг зайтун ёғи билан аралаштирилгани пашша ва чивинларнинг баданга қўнишига тўсқинлик қилади. Унинг суви сиёҳга қўшилса, бу сиёҳ билан ёзилган китобга сичқон тегмайди.

Марсин

Ёғи, шираси ва қайнатмаси сочнинг илдизини кучли қилади, тўкилишига монёъ бўлади, шунингдек, сочни узайтиради ва қорайтиради. Уруғининг зайтун ёғидаги қайнатмаси терлашни тўхтатади ва терлашдаги тери шилинишини тузатади. Қуриган япроғи қўлтиқ ва бут орасидаги ҳидланишга қарши ишлатилади. Кули тўтиёнинг ўрнига ўтади ва сепкилни кетказади.

Ақоқийё - араб акасиясининг шираси ёки елими

Сочни қорайтиради, рангни яхшилаиди ва совуқдан ёрилганга фойда қилади.

Денгиз пиёзи

Денгиз пиёзи зайтун ёғи ва ротиёниж (санавбар елими) билан сўгалларга суртилса, уларни қўпоради. "Тулки касаллиги" ва "илон касаллиги"да суртилса ва ишқаланса, сочни ўстиради. Денгиз пиёзи, айниқса, хомининг мағзи товон ёрилганида фойдалидир. Сиркаси рангни чиройли қилади.

Анзиратгўштхўр

Доимо уни ичиш, хусусан, қариларда ялтироқ калликка олиб келади.

Омила

Соч илдизини қувватли қилиб, уни қорайтиради.

Тирноқгул, озаргун

Сиркада эзилгани "тулки касаллиги"да фойда беради.

Сассиқ каврак

Гавданинг ҳидини ўзгартиради. Зайтун ёғи билан малҳам қилиб қўйилса, кўз остидаги қонталашни тез кетказди.

Панжангушт

Унда терини тозалаш хусусияти бор.

Уд дарахти

Агар у чайналса ёки қайнатмаси билан оғиз чайқалса, оғиздаги ёмон ҳидларни кетказди. Ундан толқон тайёрлаб баданга суртилса, уни хушбўй қилади. Ундан олинган тутатқи кундур ўрнида ишлатилади.

Адороқий

Сепкилга фойда қилади.

Озоддарахт

Япроғининг суви битни ўлдиради. Озоддарахт илдизи узум шароби билан истеъмол қилинганда сочни узайтиради.

Гулсафсар илдизи

Ўзи баробарича ҳарбақ билан қўшиб ишлатилса, сепкил ва нуқтали қонталашларни кетказди. Ўзи ишлатилганда ҳам шундай таъсир қилади.

Ситрон

Сиқиб олинган суви рангни тозалайди, сепкилни кетказди. Қобиғининг куйиндиси песга суртиладиган яхши доридир. Қайнатмаси оғизда тутиб турилса ҳам, ҳидини кетказди.

Чўл қуёни

Қони сепкилни тозалайди. Калласининг кули "тулки касаллиги" учун яхши даводир, хусусан, денгиз қуёни-ники. Қуён қорни ичидаги нарсалар билан бутунлигича товада қовуриб куйдирилса ва янчиб гул ёғи билан истеъмол қилинса, сочни ўстиради. Дисқуридуснинг айтишича, денгиз қуёни қорнининг бир ўзи ёки қичитқи ўт билан бирга қўшиб боғланса, сочни батамом туширади.

Эшак кохуси

Сирка билан қўшиб суртилса, доғни тузатади, пўст ташлаш касаллигини кетказади. Бу таъсирда япроғи илдизидан бўшроқдир.

Олмос

Тишларни яхшигина тозалайди.

Яман долчини

Оғизни хушбўй қилади.

Одам

Айтишларича, одамнинг эрлик уруғи доғни кетказади. Болаларни мис идишга сийдириб, олинган сийдик тузи ҳам шундайдир. Сепкилни ҳам тозалайди. Одамнинг ахлати оқ доғга фойда қилади.

Момақалтироқ

Сепкилга фойда қилади ва уни мўътадиллик билан тозалайди.

Лимонўт

Оғизни жуда хушбўй қилади.

Арека палмасининг данаги

Доғни кучли равишда кетказади.

Денгиз қуёни

Қони иссиқ бўлиб, сепкил ва доғни тозалайди. Бошининг куйдирилгани "тулки касаллиги"да мўйни ўстиради, айниқса, айиқ ва илон чарвиси билан бирга ишлатилса, жуда ўстиради. Ўзини қўйиб боғланса, мўйни тўкиб юборади.

Ипак

Ипак битни пайдо қилмайди, деб ўйлайдилар.

Бон дарахти

Меваси қора ва қизил қонталашларга, сепкил, доғ ва яралардан қолган изларга фойда қилади, ёғи ҳам шундай.

Баҳман

Семиртиради.

Балозур

Сўгални, песни, теридаги нақшларни кетказди ва балғамли "тулки касаллиги"ни тузатади.

Танакор

Сочга сепилса, сочни ярақлатади. Қуюқ суртмаси баданга суртилса, қонни баданнинг сиртига тортиб, рангни яхшилайдди. Ориқликда фойда беради. Лекин кўп ейиш тусни қорайтиради.

Пиёз

Юзни қизартиради. Уруғи доғни кетказди. Бу "тулки касаллиги"да мўйи тўкилган ерга ишқаланса, жуда фойда қилади. Уруғи туз билан қўшиб ишлатилса, сўгалларни қўпоради.

Ёввойи пиёз

Сепкилга айниқса офтобда суртилса, фойда қилади. Шунингдек, яралардан қолган изларни ҳам йўқотади. Бу танглай ва тилни дағаллайди. Тухумнинг сариғи билан сўгалларга ва сиканжубин билан сутли яраларга суртилади.

Бунк

Терини тозалайди ва унинг тагидаги рутубатларни шимади. Баданни хушбўй қилади ва нуранинг ҳидини кесади.

Қовун

Терини тозалайди, айниқса, уруғи ва ичидаги бошқа нарсалар сепкил, доғ ва бошнинг кепакланишида фойда қилади. Шунингдек, ичидагисини қандай бўлса, шундайлигича буғдой уни билан хамир қилиб, офтобда қуритилса, юқоридаги таъсирни беради.

Тухум

Тухумнинг оқи юзга суртилса, қуёшнинг тери рангини қорайтиришига тўсқинлик қилади, қорайганини (доғини) кетказади. Сарифи қовурилиб, асал билан эзилса, сепкил ва офтобдан қорайганга қарши суртма бўлади.

Бақлажон

Рангни бузади. Яъни, башарани қорайтириб, рангни сарғайтиради. Бақлажоннинг майдаси пўчоқдан иборат бўлиб, сепкил пайдо қилади.

Қайрағоч

Юз ялтирайди.

Сигирқуйриқ

Ёввойисининг олтин рангли гули сочни қизартиради.

Мингдевона

Қонни ивитиш ва қотириш хусусияти борлиги сабабли семиртирадиган дорилар таркибига киради.

Ўрдак

Ёғи рангни тоза қилади, гўшти семиртиради.

Парсиёвушон

Кули сирка ва зайтун ёғи билан "тулки" ва "илон" касалликларида қуюқ суртма бўлади. Бу мирта ёғи ва

шароб билан ишлатилса, сочни ўстиради, унинг тўкили-
шини йўқотади.

Семизўт

Бу билан сўгалларни қирадилар. Сўгалларни кайфия-
ти билан эмас, балки хосияти билан кўпоради.

Фундуқ, ўрмон ёнғоғи

Унинг куйиндиси сочни бўяйди.

Панжангушт

Рангни тозалайди.

Парпи, бувана

Уни суртиш ва базаржалий деб аталган жуворишндан
ичиш песни кетказади, шунингдек, моховга ҳам фойдали.

Жавз бавво (мускат ёнғоғи) пўсти

Оғизни хушбўй қилади.

Зиғир уруғи

Зиғир, натрун ва анжир билан бирга сепкил ва сутли
тошмаларга қуюқ суртма бўлади. Агар ўзига тенг миқ-
дордаги индов (хурф) билан аралаштириб, асал билан
қорилса, тирноқлар буришишини, ёрилишини ва пўст
ташлашни тузатади.

Боқила

Пўстидан қуюқ суртма қилиб, сочга суртилса, уни
юмшоқ қилади. Агар у боланинг қовуғига суртилса, мўй
чиқармайди. Шунингдек, у тарашланган ерга қайта-қайта
суртилганда ҳам мўй чиқармайди. Йирик ловия, айниқса,
пўсти билан бирга ишлатилса, юздаги доғни, сепкилни ва
қизил қонталашни кетказади ҳамда рангни яхшилайди.

Сийдик

Сийдик теридаги доғни кетказади.

Ҳайвон тезаги

Сусморнинг тезаги ўзининг тозалаш хусусияти билан нуқтали қонталаш ва сепкилда фойда қилади. Туянинг тезаги ичилганда шундай фойда қилади ва сўгалларни туширади.

Парпи сичқон ва унинг тарёқи

Песга ва моховга фойда қилади.

Ёнғоқ

Ёнғоқнинг ҳўли, хузистонлик табибларнинг айтишича, урилишдан қолган изларга қўйиб боғланади.

Мускат ёнғоғи

Қизил нуқтали қонталашни кетказади.

Гентиана илдизи

Илдизи, айниқса, эслатиб ўтилган шираси доғни кетказади.

Леканора

Семиртиради.

Анор тули

Милк қонашида яхшидир.

Тери

Афъо илони терисининг куйдирилгани "тулки касаллиги"га суртма бўлади.

Чигиртка

Айтишларича, оёқлари сўгалларни қўпоради.

Пишлоқ, панир

Пишлоқнинг суви савдо хилтини тозаловчи даволар билан биргаликда ишлатилса, сепкилга фойда қилади. Янги пишлоқ ўз вазнича тило шароби билан анор қобиғида ярми

қолгунча қайнатилса, юз тиришиш касалини йўқотади. Тузланган эски пишлоқ ориқлатади.

Индов

Индовнинг суви сигир ўти билан яра изларини кетказиш учун ишлатилади. Уруғи ёки суви қора доғ ва сепкилни кетказади.

Дорчин, долчин

Сепкил ва ясмиқсимон қора доғга ҳамда сирка билан қўшиб сутли тошмаларга суртилади.

Асал майвизак

Зирних билан қўшиб ёмон тирноқларга қўйилса, уларни кўпоради.

Чинор

Қобиғида тозалаш ва қуритиш қуввати бор. Кўпинча песга қарши фойда қилади.

Ёввойи арпа

Унинг хоссаларидан бири "тулки касаллиги"ни кетказишидир.

Қайрағоч

Тугунидаги рутубати юздаги қора доғларни кетказади. Хўллигида қобиғи сирка билан бирга песни йўқотади.

Чўкма, қуйқа

Куйдирилган ротиёнаж билан биргаликда оқарган тирноқларга ишлатилади ва уларни тузатади.

Ҳабб ус-салотин, ҳабб ул-мулк

Ўзига муносиб нарса билан аралаштириб, ични бўшашиш учун қўлланса, сочининг қоралигини сақлайди.

Қон

Айиқ қонини иссиқ ҳолда суртилса, доғ ва сепкилда фойдалидир. Кўршапалак қони тўғрисида айтилган нарсалар

ичида мўй ўсишини тўхтатади, деган гап бор. Бу дуруст эмас, лекин кўк қурбақалар қони ва кана қони бу жиҳатдан кучлироқдир. Кўршапалак қони эмчакни ўз ҳолида сақлайди, деган гап бор. Бу тажриба билан тасдиқланмаган.

Ёғ

Дафна ёғи "тулки касаллиги"га қарши ишлатилади. Мирта ёғи мўй ўсадиган ерларни пишиқ ва кучли қилади ҳамда мўйни қорайтиради. Қуст ёғи мўйни ёшлик чоғидагидек қилиб сақлайди. Аччиқ бодомнинг ёғи асал билан, айниқса, мурр, гулсафсар илдизи ва эритилган мум билан ишлатилса, юздаги буришиш, сепкил, яра излари ва бошқаларга фойда қилади. Буларни қайнатилган узум шарбати билан қўшиб бошдаги қазғоқ ва кепакланишга қарши суртилса, фойда қилади. Канакунжут ёғи қора доғ ва сепкилга яхшидир.

Қирққулоқ

Саситиш ва ўткирлик хусусияти сабабли мўйни сийрак қилади, тарашлайди ва тўкади.

Халила

Рангни тоза қилади.

Ҳалим

Семиртиради, бадани қуруқ бўлган кишига мувофиқ келади.

Ўсма, нил ўсимлиги

Мўйни бўяйди.

Қизил гул

Гул ҳаммомда ишлатилса, тер ҳидини йўқотади. Бундан шундай ювинадиган нарса тайёрланади: шабнам тегмаган гул олиниб, сўлгунча ташлаб кўйилади. Бундан қирқ мисқол, хушбўй сумбулдан беш мисқол олиниб, майда кулчалар ясалади. Кўпинча бунга қуст ва гулсафсардан ниски дирҳам-

дан қўшилади. Баъзан шу кулчаларни хотинлар тернинг ҳидига қарши бўйинларига тақиб юрадилар ва улар билан ювинадилар. Бир гуруҳ табиблар қизил гулни майда янчиб ишлатилса, ҳамма хилдаги сўгалларни кесади, дейдилар.

Игир

Рангни тозалайди, доғ ва песга фойда қилади.

Варс

Қора нуқтали қонталаш, сепкил ва қизил нуқтали қонталашга фойда қилади. Ичилса, оқ доғга фойдалидир.

Кир, чирк

Қулоқ кири милкакка фойда қилади. Лаб ёрилганига ҳам қарши ишлатилади.

Варан

— Тезаги сепкил ва қизил нуқтали қонталашга фойда қилади, гўшти ва чарвиси (ёғи) баъзи хотинларни жуда семиртиради.

Иссоп, ҳиссоп

Буни ичиш рангни чиройли қилади. Суртмасини суртиш эса юздаги яра изларини кетказади.

Ёввойи занжабил

Семиртирувчи бўлиб, шароб, саримсоқ ва пиёз ҳидларини кетказади.

Келин тили

Янгисини уруғи билан янчиб, юздаги доғларга, сепкилга ва эскирган нуқтали қизил қонталашга суртилса, уларни кетказади.

Симоб

Ўлдирилган симоб қизил гул ёғи билан бит ва унинг сиркасига қарши даводир.

Зирних

Мўйни тақир туширади. Ратиёнаж билан қўшиб "тулки касаллиги"га ишлатилади.

Денгиз кўниги

Куйдирилган, айниқса, учинчи хилининг куйдирилгани "тулки касаллиги"га қарши ишлатилади. Қўзиқорин шаклли хили мўйни тушириб юборишда ишлатилади. Айтишларича, у доғга ҳам фойда қилади. Булутга ўхшаган ҳар икки хили ҳам ювадиган нарсалар таркибига, шунингдек, сутли тошмалар, сепкил, юздаги доғ ва яраларга қарши ишлатиладиган дорилар таркибига киради. Булардан қолганлари эса мўйни тарашловчилардир.

Шиша

Тишларни ялтиратади, уни занбақ (оқ гулсафсар) ёғи билан суртилса ва у билан ювилса, мўйни ўстиради.

Маска ёғ

Баданни озиқлантириш ва семиртириш учун маска суртилади.

Смола, қитрон

Тирноқлар оқини кетказади. Аъзоларга қонни тортиб, уларни семиртиради, айниқса, кўп марта ёпиштириб, бирданига шиддат билан кўчирилса, яхши бўлади. Товон ва бошқа аъзолар ёриқларига уларни тузатиш учун суртилади. Бунинг қуюқ суртмаси "тулки касаллиги"да мўйни ўстиради.

Заъфарон

Заъфарон ичиш рангни чиройли қилади.

Заҳра

Сочни ёзади, соч қазғоқлашишига қарши яхшидир.

Тезак, ахлат

Қўйнинг қумалоғини сирка билан қўшиб чумолисимон, жуволдизсимон ва тутсимон сўгалларга суртилади. Чигиртка тезаги сепкил ва доғга суртилади. Гуруч билан овқатланадиган майна тезагининг ҳам шундай хоссаси бор. Ҳирдун ва варалнинг тезаги рангни чиройли қилади. Эчки, айниқса, тоғ эчкиси қумалоғининг куйдирилгани "тулки касаллиги"да ишлатилади. Каламушнинг тезаги ҳам шундай хоссага эгадир. Каптарнинг тезаги рангни гўзал қиладиган дорилардан ҳисобланади. Суморнинг қумалоғи сепкилни кетказди. Бу текширилган нарсадир.

Зайтун

Ёввойи зайтун япроғи милкак учун яхшидир. Бу билан бадан ишқаланса, терни тўхтатади. Ёввойи зайтун ёғи кўп жиҳатдан гул ёғидекдир. Мўйни сақлайди, ҳар куни ишлатилса, мўйнинг тез оқаришини тўхтатади.

Задвор

Аристолохия, айниқса, унинг думалоқ хили доғга фойда қилади, тишларни ялтиратади, кирини кетказди, рангни тозалайди.

Ликий шираси

Ҳузаз, хусусан, унинг Ҳиндистондан чиқадиган хили мўйни қизартиради ва кучли қилади. Сепкилни кетказди, ҳамма хил ликий шираси милкакка фойда қилади.

Хинна

Хинани етмак суви билан қўшиб сочга чапилса, уни қизартиради.

Таратизак

Индовни ичиш ва суртиш мўй тўкилишини тўхтатади.

Тоғжамбил

Сўгалларни йўқотади.

Ангуза

Агар уни сирка ва мурч билан қўшиб чапилса, "тулки касаллиги"га фойда қилади. Ейиладиган нарсалар билан истеъмол қилинса, рангни чиройли қилади ва михсимон сўгалларни қўпоради.

Абу Жаҳл тарвузи

Мохов ва фил касалликларига ишқаланади.

Нўхат

Нўхатни ейиш ва ундан малҳам қилиб суртиш нуқтали қонталашларни кетказади ва рангни яхшилади.

Буғдой

Буғдой ва унинг уни юзни доғдан тозалайди. Буғдойнинг уни ва крахмали айниқса заъфарон билан ишлатилганда сепкилга доридир.

Қўзиқулоқ, шовил

Илдизлари сирка билан бирга тирноқларнинг пўст ташлашига қарши ишлатилади. Шароб билан қайнатилганда қуюқ суртмаси пес ва темираткига фойда қилади.

Кангар

Суртилса, "тулки касаллиги"га фойда қилади. Ивитмаси билан бош ювилса, битларни ўлдиради. Ўзидаги хоссаси билан сассиқ сийдикни ҳайдаб, қўлтиқ ҳидини йўқотади.

Қора йўнғичқа, қора беда

Ёввойиси, шунингдек, экиладигани сепкилга қарши ишлатилади.

Шамбала, сариқ йўнғичқа

Мирта билан тайёрланган ёғи мўйга ва яра изларига фойдалидир. Ўзининг ёпишқоқлиги сабабли айниқса қизил гул ёғи билан бирга ишлатилса, совуқдан ёрилганга фойда қилади. Сепкилга қўлланиладиган дорилар

таркибига ҳам киради. Рангни яхшилайти. Оғиз, бадан ва тер ҳидларини кетказати.

Ҳабб уз-залам

Семиртиради.

Ҳабб ун-нил

Пес ва оқ доғга фойда қилади.

Наша уруғи

Семиртиради ва чиройли қилади.

Санавбар бужури

Семиртиради.

Ёввойи сано уруғи

Семиртиради.

Темир

Темирнинг зангини шароб билан бирга милкакка қўйилади.

Сақич дарахтининг меваси

Сақич дарахтининг меваси юзни доғлардан ва сепкилдан тозалайди. Сақич юзнинг ёрилганида ҳам фойда қилади.

Илон

Илон сийш битлатади, ортиқча хилтларни терига тортганидан терини шилади. Моховга зўр фойда қилади. "Тулки касаллиги"да истеъмол қилинса, фойдаси катта бўлади.

Эшак

Эшак гўшти ва жигарининг кули зайтун ёғи билан совуқдан ёрилганга қўйилади. Бу жуда фойдали.

Қайроқ тош

Ишқаганда чиққан майда кукуни эмчак ва мояклар катта бўлиб кетмаслиги учун қўйилади.

Юлғун, тубулғу

Битларни ўлдириш учун қайнатмаси баданга қуйилади.

Умуман лой, кесак

Бўшашган гўшти маҳкамлайди.

Ток лойи

Мўйни ўстирадиган суртмалар ва соч ҳам қошни бўяйдиган бўёқлар таркибига киради.

Самоъий лойи

Гавдани тиниқ ва чиройли қилиб, юзни ярақлатади.

Ёввойи гул ҳамишабаҳор

Япроғидан қуюқ суртма қилиб, песга олти соатгача суртиб қўйилса, яхши илож бўлади. Бунинг қуюқ суртмасини қўйгандан кейин арпа уни истеъмол қилиниши муносиб бўлади. Янчилган гул ҳамишабаҳорни офтобда доғга чапиб қуригунча қўйилса, сўнг уқалаб ташланса, уни тузатади.

Меҳригиёҳ

Бунинг япроғи билан, айниқса, ҳўл япроғи билан тегидаги қора нуқталар бир ҳафта ишқаланса, у нуқталарни яра қилмасдан кетказади. Одамгиёҳнинг сути нуқтали қизил қонталашларни ва сепкилни куйдириб, ачиштирмасдан кўчиради.

Ясмин

Хўли ва қуруғини янчиб, у билан ҳаммомда юз ювилса, сепкилни йўқотади. Кўп ҳидланса, юзни сарғайтиради.

Сутли ўтлар

Тут шаклидаги сўгални ва умуман сўгалларни, холларни, тирноқлар атрофидаги ортиқча этларни қўпоради. Сутини мўйли ерга айниқса офтобда чапилса, мўйни тарашлайди. Бундан кейин чиқадиган мўй заиф бўлади. Агар суртиш такрорланса, сира чиқмайдиган бўлади.

Зарарли кучини синдириш учун зайтун ёғи билан аралаштирилади ва мўйни тарашлаш учун ишлатилади.

Кофур, камфара

Кўп истеъмол қилиш мўйни тез оқартиради.

Кундур елими

Асал билан қўшиб қўйилганда милкакни кетказди. Пўстлоқлари яраларнинг изини кетказишга яхши доридир. Сирка ва зифт билан қўшиб суртилганда мартиқе деб аталадиган оғриққа фойда қилади. Бу оғриқ натижа-сида бадан чумоли юргандагидек жимиллайди ва бадан-да сўталга ўхшаш нарсалар пайдо бўлади.

Етмак

Пес ва доғни, айниқса, қорасини ҳамдаа сепкилни кетказди.

Олтингугурт

Пес касалига қарши ишлатиладиган дорилардандир, айниқса, олов тегмагани шундай. Сақич билан аралаштирилганда тирноқдаги изларни кетказди. Сирка билан қўшиб доғларга ишлатилади.

Касило

Семиртиради. Айтишларича, юз рангини ва бадан тусини чиройли қилади.

Айиқтовон

Барги ва шохлари қуришдан илгари озгина фурсат боғлаб қўйилса, пес, тирноқлардаги оқларни кетказди ва "тулки касаллиги"гини тузатади.

Зира

Зиранинг суви билан ювилса, юзни тиниқ қилади, унинг олиниши ва истеъмол қилиниши маълум миқдорда бўлиши керак. Агарда кўп истеъмол қилинса, юзни сарғайтиради.

Бурчоқ

Бу доғ, сепкил, нуқтали қизил қонталаш, яра-чақаларнинг изларини кетказиш учун суртиладиган дори бўлиб, рангни чиройли қилади. Бундан талқон қилиб озғин кишиларга бир ёнғоқ миқдорида бериб турилса, озғинликни кетказади. Қайнатмаси совуқдан ёрилган жойларга, совуқдан бўлган қичималарга, сутли тошмаларга қўйилса, тузатади.

Леканора

Жуда семиртирувчидир.

Петрушка, селдерей

Ёввойиси "тулки касаллиги", тирноқларнинг ёрилиши, сўгаллар ва совуқдан бўладиган ёрилишларга ишлатилади. Боғда ўсадигани оғиз ҳидини жуда яхшилайти.

Гандано, порей пиёзи

Шом ганданосини татим билан қўшиб ишлатилса, сўгални кетказади.

Ит

Итнинг сийдиги сўгалларга ишлатилади. Итнинг сути фойдали ва мўйни тушириб, юлинган мўйнинг ўсишига тўсқинлик қилади, деган гап, Жолинуслининг бир неча жойда айтишича, нотўғридир.

Ток

Ток суви чумолисмон сўгалларга дори бўлади. Ёввойисининг суви сепкил ва нуқтали қонталашни кетказади. Хонакиси эса кучсиз бўлади. Ёввойисининг суви, айниқса, янги шохларидан олингани зайтун ёғи билан қўшиб ишлатилганда баъзан сочни тўқади. Ёғи барча ёғларнинг энг кучлисидир.

Ладан

Мўйни ўстиради, қуюқ қилади, кўпайтиради, сақлайди, айниқса, мирта ёғи ва шароб билан ишлатилганда

шундай қилади. У латиф, чуқур сингувчи, эритувчи ва этни еювчи, бузуқликни тозаловчи, мўй учун яроқли моддани тортувчи бўлгани учун шундай таъсир кўрса-тади. Лекин бошланаётган ялтироқ каллик касаллигига, соянинг сийракланиши ва тўкилишига қарши кучли фойда қилади. "Тулки касаллиги"га эса дори бўла олади. Чунки "тулки касаллиги" моддасининг кучидан устунроқ эритувчи куч билан, унинг кучидан латифроқ ва буриштирувчанлигидан кўра тозаловчанроқ куч билан эрийди.

Ложуварл

Сўгалларни тушириб юборади.

Лакк

Лакк жуда қаттиқ оздиради.

Чаёнўт, филгўш

Жингалак хилининг илдизи сепкилни, доғни ва нуқтали қонталашларни кетказди. Айниқса, асал билан аралаштирилганда шундай таъсир қилади. Уни шароб билан қўшиб, совуқдан бўлган ёрилишларга суртадилар.

Бодом

Аччиқ бодом сепкил, нуқтали қонталаш излар ва офтобдан қорайишга қарши қўлланилади. У юздаги ажинларни ҳам ёзиб юборади. Аччиқ бодом дарахтининг илдизи эса қайнатиб қўйилганда сепкилга қарши кучли восята бўлади. Ширин бодом ейилса, семиртиради.

Қўйпечак, чирмовгул

Катта лаблбнинг сути сочни тўкади ва битларни ўлдиради.

Сўлак

Сепкилни, нуқтали қонталашни, ўлик қонни кетказди.

Сут

Баъзи табибларнинг айтишича, сут истеъмол қилиш бит-латар эмиш. Бу эҳтимолдан узоқ эмас. У баданга суртилса, теридаги хунук изларни кетказади, ичилса, терининг рангини яхшилайдди. Лекин туя сути бундан мустасно бўлиб, ундан оқ доғ пайдо бўлиш хавфи бор, лекин бу ҳол камдан-кам содир бўлади. Сут шакар билан ичилса, юзнинг рангини (айниқса, хотинларнинг) чиройли қилади. Сут семиртиради. Ҳатто оғиз суви иссиқ ва қуруқ мизож сабабли озган одамларнинг мизожини ҳўллаш, ёмон хилтларни чиқариш, шу билан бирга озикни яхшилаш орқали семиртиради. Қатиқ темир тўполи билан берилса, ўшандай одамларни тез семиртиради. Оғизнинг суви суртилса, сепкил ва доғларни кетказади, гоҳо ичилганда ҳам шуларга фойда қилади.

Эт, гўшт

Мол гўшти доғ пайдо қилади. Ёввойи эшакнинг ёғи сепкилга суртилса, фойда қилади. Семиз ўрдакнинг ёғи ҳам шундай. Семиз кўзичоқларнинг куйдирилган гўшти доғга суртма қилинади. Қурбақа гўштининг куйдирилгани эса "тулки касаллиги"га қарши ишлатилади.

Мушк

Овқатга тушса, оғизни бадбўй қилади.

Мастаки

Мастаки тишни тозаловчи дориларга, пардоз мойларига қўшилади ва ҳусндор қилади.

Мозариюн

Мозариюннинг ҳамма турлари доғ, пес ва нуқтали қон-талашга қарши сиртдан суртиб малҳам қилинади, гоҳо унга олтингугурт ҳам аралаштирилади.

Сув

Денгиз суви совуқдан ёрилишларга, улар ярага айла-ниб кетишидан олдин ишлатилса, фойда қилади. Битлар-

ни ўлдиради. Тери остида ивиб қолган қонларни шимилтиради. Олтингугуртли сув доғ ва пес учун яхшидир.

Муғос

Семиртиради.

Куйдирилган қўрғошин, глет

Бадан ва қўлтиқ ҳидини яхшилайти, сон шилинишининг олдини олади, сепкилни, қора доғларни, қонталашларни кетказати, айниқса, унинг ювилгани шундай. Чечак изларини ҳам кетказати ва терлатмайти.

Ўт

Ёввойи эшакнинг ўти тутсимон сўгални кетказати ва шишларнинг изларига суртилса, фойда қилади.

Марказит, пирит

Сирка билан аралаштириб, доғ, пес ва нуқтали қизил қонталашга суртилса, фойда қилади. Тери тагида қамалиб қолган рутубатларни шимдиради, сочни майинлаштириб, жингалак қилади.

Тоғ райҳони

Суви қортиққа солиниб, қон олинган жойга қўйилса, тилиб қон олингандан кейин оқ из пайдо бўлишининг олдини олади. Қуруғини асал билан қўшиб қонталаш ва кўкарган жойга, айниқса, кўз тагидагиларга суртилади.

"Тоғ майизи", испарак

Битларни ўлдиради, хусусан, зирних билан қўшилиб, эскирган "тулки касаллиги"га суртилса, фойда қилади.

Мирра (қитрон)

Мирта ва ладан ёғи билан қўшиб суртилса, сочнинг қувватли ва қуюқ бўлишига ёрдам беради, яраларнинг изини кетказати, оғизда тутилса, оғизнинг ҳидини яхши қилади, ёмон ҳидини кетказати. Шароб ва аччиқ тош билан

қўшиб қўлтиқларга чапланса, ҳидини кетказади. Асал билан сейлон долчини қўшиб, сўгалларга қўйилади.

Кончўп

Тирноқлардаги оқликни кетказади.

Туз

Қуйдирилган туз тишни тошлардан тозалайди, суртилса, ҳар бир ерда бўлган қонталашни кетказади. Туз асал билан истеъмол қилинса, рангни яхши қилади.

Муррий

Оғиз ҳидини яхши қилади.

Наргис

Илдизи тикан ва ўқ учларини чиқариб ташлайди, айниқса, мастаки уни ва асал билан қўшилганда шундай қилади. Наргис сепкилни ва доғни кетказади. Айниқса, сиркага қўшилганда унинг илдизи ана шундай таъсир кўрсатади. Илдизи яна "тулки касаллиги"га ҳам фойда қилади.

Нил ўсимлиги

Нил сепкилни, доғни аритади ва "тулки касаллиги"га фойда қилади.

Нилуфар

Илдизини сув билан қўшиб, доғни йўқотиш учун қўйилади. Бунда, айниқса, қора нилуфар ва унинг илдизи фойдалидир. Уни зифт билан қўшиб "тулки касаллиги"га, айниқса, қора нилуфар ва унинг уруғини қўядилар.

Крахмал, нашоста

Заъфарон билан қўшиб сепкилга қарши ишлатилади.

Жувона

Жувона ичилса ва суртилса, рангни сарғиш қилади. Доғ ва песга қарши ишлатиладиган дориларга қўшила-

ди. Асал билан қориб ишлатилса, ҳар қаерда бўлган қон-
талашни кетказади.

Мис

Мўйни қорайтиради.

Кунор дарахтининг меваси

Мўй тўкилишига тўсқинлик қилади ва уни узайтира-
ди, кучлию майин этади. Сидрда бош қасмоғини ва кепа-
гини кетказадиган, мўйни қизартирадиган елим бор.

Тўпалоқ

Рангни чиройли қилади, оғиз ҳидини яхшилайти. Ҳинд
тўпалоғи эса, айтишларича, мўйни тўкади.

Сандарак

Бир дирҳамнинг тўртдан уч қисми миқдордагиси сувга
ва сиканжубинга солиб ичирилса, жуда оздириб юборади.

Малобатр

Тил тагида олиб турилса, оғизни хушбўй қилади, ўйи-
лишига йўл қўймайди.

Сарв

Сарвни сирка, Миср боқиласи билан қайнатиб, сўнг
тирноқларга суртилса, ундаги доғларни кетказади. Барги
доғни кетказади, мўйни қорайтиради.

Дарё қисқичбақаси

Кулини қайнатилган асал билан қўшилса, оёқларнинг
совуқдан ёрилганига яхши дори бўлади. Куйдирилгани
доғ ва сепкилга қарши дорилар таркибига киради.

Денгиз қисқичбақаси

Куйдирилгани тишларни тозалайди, нуқтали қизил
қонталаш ва сепкилни кетказади.

Содоварон

Ўзининг махсус хусусияти билан мўй ўсишига тўсқинлик қилади.

Гулсафсар, лилия

Гулсафсар ва унинг илдизи сепкил, нуқтали қонтолашга фойда қилади. У билан юз ювилса, тозалайди, ялтиратади ва ажинларни кетказди.

Какликўт

Тиш тошларида яхшидир.

Сақамунӣ

Пес, доғ ва сепкилни кетказди.

Эрон қавраги

У истеъмол қилинса, рангни яхшилайди.

Татим

Кўнчиларнинг татими сочни қорайтиради.

Лавлаги, қизилча

Лавлагининг шираси ва баргининг қайнатмаси совуқдан ёрилганга ва "тулки касаллиги"га фойда қилади. Агар сепкил бор жойни сода билан ювиб, кейин лавлагининг баргини қўйиб боғланса, сепкилни кетказди. Баргининг сиқиб олинган суви сўгалларни кўчиради ва битларни ўлдиради.

Газагўт

Сода билан қўшиб оқ доғ, сўгал ва тут шаклли сўгалларга қўйилади; саримсоқ ва пиёзнинг ҳидини кетказди, "тулки касаллиги"га фойда қилади.

Геккон калтакесаги

Агар уни янчиб боғланса, баданга кирган тикан ва ўқларни тортиб чиқаради ҳамда сўгалларни кўчиради. Михсимон

сўгалларни ҳам кўпориб чиқаради. Айтишларича, уни кури-тиб зайтун ёғи билан ишлатилса, калнинг сочини ўстиради.

Кунжут

Урилишдан пайдо бўлган кўкаришни ва қотиб қолган қон-ни шимилтиради. Савдовий касалликка учраган кишилар баданидаги ёрилиш ва дағалликка қарши ичилса ва суртил-са, фойда қилади. Кунжут, айниқса, унинг пўсти олингани семиртиради. Сочни узайтиради, айниқса, пояси ва барги-нинг шираси шундай, улар сочни юмшатади ва қазғоқни кетказади. Кунжут ёғида миртани қайнатиб ишлатилса, соч-ни тўкилишдан сақлайди, уларни қувватли ва пишиқ қилади.

Беҳи, ҳайва

Беҳи терни тўхтатади. Унинг ёғи совуқдан ёрилганга фойда қилади.

Сирач

"Тулки касаллиги"да олдин ўша жойни юнг латта билан ишқаб, кейин сирачнинг кулини қўйиб боғланса, сочни ўсти-ради. Агар оқ доғни офтобда латта билан ишқаб, сўнгра сирач илдизини сирка билан чапилса, доғни йўқотади.

Маҳсар

Сепкил ва доғни тозалайди.

Денгиз пиёзи

Асалга қориб "тулки касаллиги"га ва "илон касалли-ги"га қўйилади.

Назла ўти

Зайтун ёғи билан аралаштириб суртилса, терлатади.

Анбар

Манднинг бир хили борки, у билан кўлни бўяйдилар. Бўёқ секин кетиши учун унга турли нарсалар қўшиб, ху-сусиятини яхшилайдилар. Анбар мумсимон хушбўй бир

модда бўлиб, Ҳинд ва Тинч океани қирғоқларидан топилади. У кашелотнинг ичагида пайдо бўладиган моддадир, ҳозирги вақтда фақат парфюмерияда ишлатилади.

Уд

Удни чайнаш нафасни хушбўй қилади.

Мози

Унинг суви ва у ювилган сув сочни қорайтиради.

Маймунжон

Унинг шохларини барги билан қўшиб қайнатилган сув сочни бўяйди.

Бол, асал

Асални суртиш бит ва сирка бостирмайди, уларни ўлдиради. Агар асални, айниқса, аччиқ асални қуст билан қўшилса, сепкилга суртиладиган дори бўлади. Туз билан қўшилгани урилишнинг бақлажон тусли изини кетказиш учун суртилади.

Ушар

Ширинча ва темираткиларга суртилса, фойда қилади.

Азоъа - калтакесакнинг бир тури

Агар унинг думини зайтун ёғида титилиб кетгунча қайнатиб ишлатилса, сочни тўқади.

Суяк

Чўчқанинг куйдирилган тўпифини песга суртса, фойда қилади, дейдилар.

Рўян

Сирка билан қўшиб темираткиларга қўйилса, тузатади. Шунингдек, сирка билан қўшиб доғларга суртилса ҳам, тузатади. Теридаги ҳар қандай изларни кетказди.

Мурч

Натрун билан ишлатилса, бадандаги доғни тозалайди, шунингдек, натрун билан кўшилса, оздиради.

Чўл қовоғи, "тиканли оқ ток"

Илдизи ёввойи ясмиқ ва сариқ йўнғичқа билан кўшилса, бадан сиртини яхшилаб тозалайди ва силлиқ қилади, сепкилни, яралардан қолган қора изларни кетказди, зайтун ёғида титилиб кетгунча қайнатилса ҳам, шундай таъсир қилади. Яна кўз тагидаги қонталашларни ҳам йўқотади.

Филзахра, ликий

Сочга суртилса, уни қуватли қилади.

Ялпиз

Ялпизни, хусусан, унинг янгисини шаробда қайнатиб боғланса, бадандаги ярадан қолган қора доғларни ва кўз остида бўладиган қонталашни кетказди.

Пион гул, саллагул

Теридан қора доғларни кетказди.

Турп

Агар турпни мастак уни билан аралаштириб ишлатилса, "тулки касаллиги"да мўйни чиқаради, агар асал билан аралаштириб кўйилса, кўз остидаги қонталаш изларни кетказди. Уруғи эса аъзоларда пайдо бўлган қизғиш қонталашга ва бошқа ёт рангларга, зарбанинг изларига, сепкилга фойда қилади. Хусусан, ҳаммомда етмак билан кўшиб суртилса, оқ доғни кетказди. У баданда битни кўпайтиради.

Алп гунафшаси

Агар ундан уч мисқолни, лекин ундан ортиқ эмас, шароб ёки суюлтирилган асал суви билан ичилса, сариқни тузатади, бунда касални ёнбошига ётқизиб, устини қалин ўраш керак, токи у яхшилаб ўт рангли тер чиқарсин. Илдизи бадан сиртини тозалайди, сепкилни кетказа-

ди, унинг қайнатмаси совуқдан ёрилганга фойда қилади. Шунингдек, илдизи ичини ковлаб, зайтун ёғи солиб, ис-
сиқ кулда қиздирилса ҳам, шундай таъсир кўрсатади.

Садаф, чиғаноқ

Чиғаноқнинг паллалари ва пўстлари куйдирилса, доғни кетказди. Шунингдек, ўзича ишлатилса, катта ўқ учларини ҳам чиқаради. Агар гунафша рангли садафни зайтун ёғида қайнатиб сочга суртилса, сочни тўкилишдан сақлайди.

Сихнот - тузланган балиқдан қилинадиганнонхўриш

Меъда бузилиши натижасида пайдо бўладиган оғиз хидланиши ва меъда бузуқлигини йўқотади.

Сабир, алоэ

Асал билан қўшиб урилишдан қолган изларга қўйилади. Яраланадиган милкакни битиради. Шароб билан қўшиб тўкилаётган сочга қўйилса, унинг тўкилишини тўхтатади.

Қалампирмунчоқ

Оғиз ҳидини ёқимли қилади.

Қамиш

Пўсти ва илдизи "тулки касаллиги"да фойда қилади, бадан чирқларини тозалайди, илдизи ёввойи пиёз билан ишлатилса, ўқ учларини тортади.

Хушбўй қамиш

Ўлик қондан қолган қонталашларга фойда қилади.

Қитрон, смола

Бит ва сиркага қарши ишлатилса, ҳатто улар ҳайвонларда бўлсалар ҳам, фойда қилади ва уларни ўлдиради.

Қуст

Сув ва асал билан суртилса, сепкилни кетказди.

Галбан елими

Ясмиқсимон сўгалларни қўпоради.

"Яҳуд битуми", асфалт

У тирноқларга суртилса, улардаги оқ нуқталарга фойда қилади.

Тунбош

Сепкил ва доғларни кетказади, у ейилса ва қўйиб боғланса, ҳақиқатдан ҳам оқ доғга қарши энг фойдали нарса бўлиб, уни бироз кунда йўқ қилиб юборади. Бу арабларга маълум бўлган нарсалардан биридир.

Ладан

Унинг суви битларни ўлдиради ва сочни тўкади. Агар ладанни шароб ва асал суви билан аралаштириб яралардан қолган изларга суртилса, уларни кетказади. Агар у шароб, мурр ва марсин оғочининг ёғи билан аралаштириб ишлатилса, соч тўкилишини тўхтатади. Лекин унинг таъсири "тулки касаллиги"даги мўй тўкилишига қаршилик қила олишгача бориб етмайди, чунки унинг шимдирувчанлиги кам.

Қайқаҳун

Яра изларини тезда тозалайди. Унинг оздириш хусусияти ҳам бор.

Кийикпанжа

Доғларда фойда қилади.

Бўймодарон

Унинг куйдирилгани "тулки касаллиги"га фойда қилади, айниқса, канакунжут ёғи, турп ёғи ва зайтун ёғи билан бирга ишлатилса. Бўймодарон ўзининг очувчанлиги сабабли агар уни баъзи бир ёғлар билан бирга қайнатиб суртилса, секин ўсадиган соқолларнинг ўсишига фойда қилади, шунингдек, у милкларни буриштиради.

Ёввойи бодринг

Ёввойи бодрингнинг ўзидан, илдизидан ва барглари-дан олинган шира сариққа фойда қилади. Унинг қуруғи-дан қилинган талқон эса яра битган ўриндаги қора из-ларни йўқотади ва юз чиркларини тозалайди.

Типратикан

Чўл типратиканининг тузлангани филлик касалига фойда қилади, чўл типратиканининг гўшти шимдириш ва қуритиш хусусияти кучли бўлганидан мохов касали-да фойда қилади. Зифт билан аралаштириб ишлатилса, чўл типратиканининг куйдирилган териси "тулки касал-лиги"га фойди қилади.

Каклик

Каклик гўшти семиртиради.

Тизимгул

Унинг қайнатмаси сочни қорайтиради.

Равоч илдизи

Равоч илдизини сиркага қўшиб суртилса ва у билан сурги қилинса, сепкил ва теридаги ярадан қолган излар-га фойда қилади.

Анор

Анорнинг уруғи асал билан қўшиб милкакка суртилади.

Лола

Ёнғоқ пўчоғи билан аралаштириб ишлатилса, сочни қорайтиради; барг ва шохчаларини шундайлигича ёки қайнатиб ишлатилса, сочни қорайтиради.

Бақа жўхориси, сассиқ тол

Сиркага қўшиб оқ доғ ва песларга қарши суртилса, фойда қилади.

Мастак

Уни олтингугурт билан қўшиб доғларга суртилса, фойда қилади.

Дармана

Унинг кулини зайтун ёғи, бодом ёғи билан қўшиб "тулки касаллиги"га суртиш фойдалидир. Унинг ёғи секин ўсадиган ва тўкилиб кетаётган соқолни ўстиради.

"Эшак коҳуси"

Доғ ва сариқ касалликларида суртилса, фойдалидир.

Зангпоя

Агар у мўйи юлинган жойга суртилса, ўзининг сови-тиш хусусияти билан мўйни қайтадан чиқармайди. Уни эмчакка қўйиб боғланса, эмчак катта бўлмайди ва сут-нинг кўпайишини қайтаради.

Аччиқтош

Уни зифтнинг сув билан аралашмасига қўшиб бош кепакланишида, битланганда, оғиз ҳидланишида ҳамда қўлтиқ тагида ёмон ҳидларда ишлатса бўлади.

Седана

Осилиб турувчи сўгалларни, холларни, доғларни, ай-ниқса, песни кетказади.

Шолғом

Агар бир дона шолғомни олиб, ичини ўйиб ва унга мум билан гул ёғини солиб, қўрга кўмиб эритилса, у эскирган "тулки касаллиги"га жуда фойдали бўлади.

Арпа

Арпа сепкилга қарши иссиқ суртма шаклида ишла-тилади.

Ёғ, чарви

Айиқ ва ғознинг ёғлари "тулки касаллиги"га, эшакнинг ёғи тери устидаги доғларга фойдалидир, ғознинг ёғи эса юз ва лабнинг ёрилганига жуда фойда қилади.

Мўй, соч

Куйдирилган мўй чиркли ва юмшоқ яраларни кучли равишда қуритади.

Шақудис

Янгисини шароб билан қўшиб доғга қарши суртилади.

Қайрағоч, сада

Икки дирҳам оғирлигидагисини сирка билан қўшиб пўст ташлашга қарши суртилади.

Тўтиё

Қўлтиқ бадбўйлигига фойдалидир.

Люпин, "Миср боқиласи"

Уни тоза пишгунча ёмғир сувида қайнатиб ишлатилса, сочни ингичкалаштиради, доғ, сепкил, излар, қонталаш ва тошмаларни кетказади, юзни силлиқ қилади. Унинг қайнатмасини тило шароби билан бирга песга қарши ишлатилса, фойда қилади.

Бетел

Нафасни хушбўй қилади, оғиздаги ёмон ҳидни кетказади ва тишларни қизартиради. Япроғининг ширасини шаробга қўшиб ишлатилса, доғларни кетказади, дейдилар.

Тофсиё

Мўйларни ўстиради ва "тулки касаллиги"га жуда фойдалидир. Бу соҳада унга тенг келадиган дори кам топилади. Бунини ишлатиш усуллари ҳақида биз ўз бобида айтиб ўтдик. Қонталашга ҳам фойда қилади, бунда уни

бир соатдан кам муҳлатга қўйилмайди, шунингдек, ярадан қолган изларга, сепкилга ва песга ҳам фойда қилади.

Анжир

Анжирнинг хомини, шунингдек, баргини хол, сўгал ва буларнинг ҳар хил турларига, доғларга суртилади. У ейилса, касалликлар ва иссиқ бўш шишлар сабабли бузилган рангни тузатади ҳамда чипқонларни пиширади. У хусусан гулсафсар илдизи, натрун, оҳак ва анор пўстлоғи билан қўшиб милкак касалига қарши ишлатилади. Одам анжирнинг сути, шунингдек, унинг қайнатилгани тарқалиши қийин бўлган шишларга, қулғунага ва ҳўппоз (катта чипқон)га фойдалидир. Анжир, айниқса, одам анжир тутсимон ўсмаларни, унинг баргидан олинган суви бадандаги сунъий нақшнинг изларини кетказди; мумли суртма билан қўшиб ишлатилса, совуқдан ёрилганда фойда қилади. Унинг сути ҳам айтилганларнинг ҳаммаси учун шундай таъсирга эга. Анжир баданда тез тарқалади. У ёғ тўплаб семиртирувчи ва битлагувчи ҳамдир. Унинг аччиқлиги хилтининг бузуқлигидан бўлади, дейдилар. У тезда ташқарига ҳайдаб чиқарилади ва ҳаёт учун яроқли хилт туғдиради, ҳам дейдилар.

Тут

Агар тут, ток ва қора анжирнинг баргларини ёмғир сувида қайнатиб ишлатилса, сочни қорайтиради.

Саримсоқ

Уни тоғ ялпизининг қайнатмаси билан қўшиб ичилса ёки баданга ишқаланса, бит ва сиркаларни ўлдиради. Агар унинг кулини асал билан қўшиб доғга ва кўз остидаги қонгалашларга суртилса, фойда қилади, чириган моддалардан пайдо бўлувчи "тулки касаллиги"да ҳам фойдалидир.

Гулхайри

У сирка билан қўшиб доғларга суртилади ва касал офтобда ўтқазиб қўйилади, бу жиҳатдан унинг уруғи кучлидир.

Горчиса, қичи

Юзни тозалайди, қонталашни ва ўлик қоннинг изини кетказади. Унинг ёввойиси доғларга қўйиб боғланадиган яхши дори бўлади, тилни қуритади, "тулки касаллиги"га фойда қилади.

Қора харбақ

Қора харбақни сирка билан қўшиб доғ, шунингдек, оқ доғга суртилади, у сўгалларни ҳам кўчиради, унинг ёрдами билан ични бўшатиш пesda фойда қилади.

Оқ харбақ

Бу соҳада оқ харбақ ҳам қора харбақнинг таъсирини кўрсатади.

Асфодел, сирач

Эшак ганданоси, айниқса, унинг илдизининг кули "тулки" ва "илон" касалликларида фойдалидир. Агар унинг кулини оқ доғга суртиб офтобда ўтирилса, фойда қилади.

Хавлинжон

Оғизнинг ёмон ҳидини яхши қилади.

Жингак

Агар хом набат жингаги билан сўгаллар қаттиқ ишқаланса, уларни албатта кетказади.

Сопол

Денгиз қисқичбақасининг сополи қуритувчи бўлган ҳолда сепкил ва нуқтали қонталашларни тозалайди.

Кўршапалак

Кўршапалакнинг ёғи қиз болалар эмчагининг катта бўлишига йўл қўймайди, айтишларича, мўйларнинг ўсишига ҳам тўсқинлик қилади, аммо бу тўғри сўз эмас.

Тол

Толнинг кулини сирка билан қўшиб суртилса, сўгалларни кўчиради.

Шафтоли

Унинг япроғини эзиб суртилса, оҳакнинг баданда қолган ҳидини кесади.

Сирка

Уни асал билан қўшиб қонталаш ерларга суртилса, фойда қилади, аммо кўп ишлатиб юборилса, сарғайтириб қўяди.

Нон

Янги буғдойдан тайёрланган нон тез семиртиради.

Маҳсар

У доғга қарши суртилади.

Канакунжут

Агар у янчилса ва қўйиб боғланса, сўгални ва сепкилни кетказади.

Олтин

Олтин оғизда ушлаб турилса, оғизнинг ёмон ҳидларини кетказади. Унинг кукуни "тулки" ва "илон" касалликларига қарши суртиладиган, ичиладиган дорилар таркибига киради.

Олакуланг

Суртилса, сўгални кўчиради. Ундан мумли суртма тайёрлаб, тирноқнинг оқ жойига суртилса, фойда қилади. Агар у тезда кўчирилиши керак бўлган тирноққа боғланса, тезда кўчириб туширади. Агар сирка билан аралаштириб суртилса, доғ ва песни кетказади. Шунингдек, уни майдалаб янчиб, хардал билан қўшиб суртилса, сочни ўстиради. Зайтун ёғи билан қуюлгунича қайнатилгани ҳам шундай таъсир қилади.

Қурбақа

Агар унинг туз ва зайтун ёғи билан қайнатилгани ейилса, айтилганидек, мохов касаллигига ва газандаларнинг чақишига қарши даво бўлади.

Урамастика калтакесаги

Унинг тезаги нуқтали қонталашларга ва сепкилга суртилса, фойда қилади.

Туёқ

Агар "тулки касаллиги" билан оғриган одамга эчки туёғини куйдириб, кулини сирка ёки шароб билан аралаштириб суртилса, фойда қилиши аниқдир.

Дафна дарахти

У доғга шароб билан суртилади.

Гофит

"Тулки" ва "илон" касалликларининг бошланғич пайтида фойда қилади.

Елим

Балиқ елими оғиз касалликларида ва песга қарши ишлатиладиган дорилар таркибига киради. Агар терилардан қилинган елим куйдирилса ва ювилса, қўлтиқ ости ҳидини даволашда тўтиёнинг ўрнини босади.

Мажнунтол

Ёғочнинг кулини сирка билан сўгалга қўйилса, қуритади. Осилган ва осилмаган бўлса ҳам, уни кўчириб туширади. Пўстлоғи сочни бўяйдиган бўёқлар таркибига киради.

ЗИЙНАТГА ДОИР МУРАККАБ ДОРИЛАР

Мўйни тўкилишдан сақлайдиган дорилар

Мураккаб дорилар қуйидагичадир: мирта дони, мози ва омилани маълум йўсинда гул ёки мирта ёғида қайнатиб ишлатилади. Шунингдек, ҳўл мирта барги, ладан, жумрут, сарв новдалари ва мирта дони зайтун ёғида янчилади, шу таркиб бошга суртилади.

Яна қора мирта дони, петрушка уруғи, мирта доналари, лавлаги уруғи ва жумрут новдаларидан бир бўлақдан, сунбулсоч ва ладандан ярим бўлақдан, қора шаробдан олти бўлақ олиниб, шу шаробда ҳалиги дорилар то шаробнинг учдан бири қолгунча қайнатилади. Кейин бунга тўполоқ ва сунбул билан хушбўй қилинган зайтун ёғидан икки бўлақ қўшиб, қайтадан уч маротаба қайнатилади. Кейин сув ва ёғ қисмини дорилардан сиқиб олиб, сопол идишга солиб қўйилади, чайқалиб турилади ва керак пайтида ишлатилади. Бу дори мўйни сақлайди ва қорайтиради.

Яна петрушка уруғи, лавлаги уруғи, сунбулсоч ва кундур елимининг ҳар биридан икки уқия, ўн беш дона ёнғоқ, санавбар дарахти илдизининг пўстидан бир ритл олинади ва ҳаммасини лой билан сувалган қозонга солиб, тандирга қўйилади ва унда куйиб янчиладиган бўлгунча қолдирилади. Сўнгра олиб янчилади, унга бир ритл айиқ ёғи қўйилади, бу яхшироқ ёки ғоз ёғи қўйилади, кейин дорига эҳтиёжи тушганда хушбўй қилинган ёғда эритиб ишлатилади. Бу тепа соч энди тўкила бошлаганда ҳам фойда келтиради.

Ёки буриштирувчи шаробдан бир ярим ритл, ладандан бир уқия, санавбар дарахти пўстининг куйдирилганидан икки уқия, куйдирилган сунбулсочдан ҳам шунча, айиқ ёғидан бир ритл, итузум ширасидан тўрт ярим уқия олиб, ладан тило шаробида то қуюлгунча қайнатилади, бунга ҳалиги дориларни қўшиб аралаштирилади, сўнгра идишга кўтариб олинади. Қачон керак бўлса, ундан бироз олиб,

хушбўй ёғ билан, яхшироғи, Рум сунбулининг ёғи билан қўшиб суртилади ва гоҳо ёғсиз ҳам суртилади.

Сочни узайтирадиган дорилар

Мураккаб дори қуйидагича: озоддарахт барги, янги Рум сумбулсочи, мурр ва омилани олиб, шу таркибни ювишда ишлатиладиган маълум моддаларнинг баъзисига солиб, бошга ёпилади.

Яна хардални лавлаги қайнатилган сувга солиб, бу билан бош ювилади, кейин бош мирта ёки омила ёғи билан ёғланади.

Яхши мураккаб дори: хўкиз ўти, бўри ўти, шунингдек, Кобул халиласи, балила, омила, содоварон ва бутун мозининг ҳар биридан бир бўлакдан олиб янчиб, итузум шираси билан етти кун ишланади, сўнгра қуритилади. Бош ва соқолни сув, асал ва янчилган шиша билан ювгандан кейин бу таркиб суртилади.

Яна пўсти ажратилган арпадан ўттиз дирҳам ва омиладан беш дирҳам олиб, сувда то иккаласининг қувватини сув ўзига олгунча қаттиқ қайнатилади, кейин шу сувда сувнинг ярмича бинафша ёғи, уч дирҳам вазнида ладан, кунжут барги, гулхайри барги, ҳўл ё қуруқ қовоқнинг баргларида ўн дирҳамдан олиб қайнатилади. Қайнатиш сув кетиб, ёғи қолгунча давом эттирилади.

"Тулки касаллиги" ва "илон касаллиги"ни даволаш

Таъсир кўрсатаётган хилтни аввало бўшатиб, жуда яхши каймусли овқатларни, сув қўшилган, мўътадил ширинликка озгина мойил, суюқ ва тиниқ шаробни баданга бериш - бу касалликни даволашдаги тўғри тадбирларнинг энг биринчиси эканига шак-шубҳа йўқ, чунки ушбу шароб жуда физолидир. Беморга ҳар бир ишқалашдан олдин ва кейин ҳаммомга тушиш фойда қилади. Дастлаб баданни таъсир кўрсатаётган хилтдан уни чиқа-

рувчи дорилар орқали ёки модда ижоб этса, томирдан қон олиш орқали тозалаш бошланади.

Зулук, қортиқлар, кўп ниналар санчиш, биз яна келгусида баён қиладиган ўткир дорилар билан қавартириш, соч чиқиши учун қаварган жойни тозалаб соғайтириш - терини ёмон "тулки касаллиги" моддасидан тозалашда эҳтиёж тушадиган тадбирлардандир.

Мўйна қопланган қалпоқни кеча-кундуз, доимо кийиб юриш моддани тарқатишга ёрдам берадиган нарсалардандир, бу моддани тарқатиб терлатади. Бошни ҳар икки ёки уч кунда устара билан қирдириш керак, қачон соч ўсса, қири-лаверади. Суртмаларни ишлатишдан бурун ҳам бошни қирдириш, биз айтиб ўтгандек, дағал латталар ҳамда пиёз ё турп пўчоғи билан то тери тешиклари очилиб, дори қувватини қабул қиладиган бўлгунгача ишқалаш керак. Баъзан ҳаммомга тушиш ишқалаш ўрнига ўтади. Агар бош қирдирилмаса, дори тери тагига етиши учун суюлтирилади.

Касал жойнинг ўзига ишлатиладиган дориларга келганда уларнинг энг кучлиси уч йил ўтмаган фарфюндир, бу биз даволаш қонунида баён қилган тадбирга кўра ишлатилади. Ундан кейингиси тоғ газгаўти бўлиб, бу жуда ажойиб етук доридир. Кейин индов, хардал, ҳўл зифт билан қорилган олакуланг кули ёки дафна ёғи билан эзилган тоғ майизидир. Яттуъ сути билан бош қавартирилади, кейин тагидаги нарса оқиши учун қаварчиқ ёрилади, шунда бош пўсти тушиб кетса, тагидан соч чиқади. Касал аъзога озгина муддат айиқтовон ҳам қўйилади, бунга кучли "тулки касаллиги"да эҳтиёж тушади.

Улардан кейинги дорилар олтингугурт, иккала хил харбақ, таратизак уруғи, бурақ кўпиги, денгиз кўпигининг иккала тури, қамиш пўсти ва унинг куйдирилган илдизи, сичқон тезаги ва қўй тезаги - булар ҳам куйдирилган ҳолда, узун мурч, хардал, куйдирилган фундуқ, анжир барги, етмак, зарчова, кончўп ва қитрондир.

Ҳўкиз ўти, пўсти билан куйдирилган аччиқ бодом, янчиб бир неча кун ўткир сиркада сақланган кундур елими ҳам ана шулар қаторига киради. Набат жингаги шу касал-

ликнинг дориларидандир. Дафна дарахти ёғи ва канакун-жут ёғи бу касалликда ишлатилаётган ўсимлик ёғларининг афзалидир. Мумли дориларнинг афзали эса қитрон ҳамда зифтдир. Айиқ ёғи, айниқса, унинг эскиси ёғларнинг афзали ҳисобланади. Хардал ва қитрон эса чапланадиган яхши дорилардандир. Чапланадиган кучли дорининг таркиби фарфиюн, тоғ газлагўти ва дафна дарахти ёғининг ҳар бирдан икки мисқол, ўлдирилмаган олтингургурт ва харбақнинг қайси бирдан бўлса ҳам, хоҳ оқи, хоҳ қорасидан бир мисқолдан олиб, кифоя қиларли миқдордаги мум билан қўшиб, мумли суртма ясалади.

Яна Африка бурақидан икки бўлак, навшадилдан бир бўлак олиб, иккаласини куйдириб, ўткир сиркада эзилади, касал жой ишқалангандан кейин бу таркиб суртилади. Шу тадбир уч кун давом эттирилади. Агар тери қаварса, билиб ўтилган тадбир қўлланилади.

Мўй оқаришига тўсқинлик қилувчи чапиладиган дорилар

Ёввойи зайтундан сиқиб олинган ёғни ҳар куни давомли суратда мўйга суртиб турилса, мўй оқаришига тўсқинлик қилади.

Яқинда оқарган мўйни ҳам қорайтирадиган чапиладиган яхши дори: араб акасияси шираси, мози, сариқ йўнғичқа, мингдевона уруғи, қуруқ кашнич, сунбул, ладан, ёнғоқ пўстининг қуритилган шираси, лоланинг қуритилган шираси, темир занги, куйдирилган мис, биринж ва қора аччиқтошларни олиб, юпқа-юпқа кулчалар ясаб қуритилади ва уларни бир ойда уч маротаба омила суви ёки мирта суви билан қўшиб, суяқ суртма ҳолатида ишлатилди.

Бошга ғилоф қилиб ўраб қўйиладиган яхши дори: қора хатила, омила ва мозаларнинг ҳар бирдан ўн дирҳамдан, ладандан йигирма дирҳам, мирта барги ва донидан ўттиз дирҳамдан олиб, уч ритл ёққа солиб, уч кун қўйиб қўйилади. Сўнгра у то қуюлгунча қайнатилади ва бошга ғилоф қилиб ўраб қўйилади.

Балхнинг қизил зокидан бир дирҳам вазнида ичиш биздан олдин ўтган кишилар тажриба қилиб кўрган ва бизнинг замонамизда ҳам синаб кўрилган тадбирлардандир, бу оқарган мўйни тўкиб юборади ва унинг ўрнига қора мўй ўстиради. Лекин бунга бадани кучли ва рутубатли бўлган кишигина чидай олади, уни ичгандан сўнг ўпкани тозалайдиган ва рутубатлантирадиган нарса ичиш керак.

Мўйни қорайтирадиган дорилар

Хина ва ўсмага келсак, булар дориларнинг асоси экани тўғрисида ҳамма одамлар бир фикрдадир. Улар мўйларнинг турлича қобилиятига қараб турлича таъсир кўрсатади. Одамлар хина ишлатиб, кейин уни ювиб ташлаб, ўсма ишлатадилар. Ҳар иккаласини ҳам қўйгандан кейин анчагина вақт ушлаб турадилар, қанча кўпроқ ушланса, шунча яхши бўлади. Баъзилар ҳар иккаласини бирга ишлатадилар. Баъзи кишилар эса фақат хинани ишлатиб, унинг сарғиш қилиб қизартиришига рози бўлиб туриб берадилар. Баъзилар эса фақат ўсмани ишлатиб, унинг товусранг қилишига қаноат қиладилар. Яхши ҳинд ўсмаси мўйни тез бўяйди, лекин жуда товусранг ва қизғиш қилади. Кермон ўсмаси эса камроқ ва кечикibroқ бўяйди, аммо у мўйни табиий қоралигига мойил қилиб бўяйди ва унда товусранглик кўп бўлмайди. Ўсма рангининг мўй рангига қайтишини хоҳлаб, мўйнинг қизғиш бўлмаслигини ва ялтираб турмаслигини истаган киши, гарчи хинадан олдин ўсма ишлатган бўлса ҳам, ўсма устидан яна бир марта хина ишлатсин, у товусрангликни кетказди ва мўй рангини аслига қайтаради. Бироқ аввалги бўёқдан кейин ишлатилган хинани узоқ тутиб туриш керак эмас, балки тезда ювиб ташлаган яхши.

Баъзи кишилар иккаласини татим суви ва анор суви ёки қатиқ суви билан қўшадилар ёхуд иккаласини қурут ва ёнғоқ пўстинийнинг суви билан таркиб қиладилар, буларнинг ҳаммаси мўйни қорайтиришга ёрдам беради. Баъзи кишилар ўсма билан хинага куйдирилган қўрғошин ва оҳак солиб, уларни то ичига солинган юнг қораядиган бўлгунча қайнатадилар

ёки офтобга қўйиб қўядилар. Бу ҳам яхши бўлади. Агар бўёққа бир дирҳам қалампирмунчоқ қўшилса, у жуда қорайтиради ва бўёқнинг мияга зарар етказишига йўл қўймайди.

Рангни равшан ва қизил қилиб, енгилгина тозалаб чиройли қилувчи нарсалар

Қонни тери томонга ҳаракат қилдиришда тўрт йўлдан фойдаланилади. Шу йўллардан бири қон, айниқса, суюқ қон туғдиришдир. Чунки яхши қон туғилиб кўпайса ва баданга тарқалса, ҳамма жойга етиб боради. Яна бири қонни тозалаш. Бошқа бири қонни сиртга қараб кўзатиб, унинг йўлларини очиб баданга тарқатиш ва ёйиш. Яна бири қонни мажбурий равишда ичкаридан сиртга қараб тортишдир.

Биринчи йўлни тутган киши рангни чиройли қилувчи нарсалар, масалан, нўхат, илитилган тухум, гўшт сели ва хушбўй шароб, анжир истеъмол қилиши лозим. Анжир терига қараб ҳайдаладиган суюқ қон пайдо қилади ва шу сабабли семиртиради. Касалдан янги турган кишининг ранги хунуклашиб кетиб, уни аввалги ҳолга қайтармоқчи бўлинса, унга анжир ва думбул хурмо фойда қилади, бу иккаласи ҳам латиф қон билан туғма ҳароратни кўпайтиради. Бир неча кун кетма-кет наҳорга шароб ва сут ичиш бу ҳақда синалган тадбирлардандир.

Қонни тозалаш йўли билан рангни чиройли қиладиган нарсалар, масалан, давомли суратда ишлатиладиган кичик атрифул ва халила мураббосидир. Кобул халиласи атрифулдан кўра кучлироқ.

Қонни баданга ёйиб тарқатиб рангни чиройли қилувчи нарсалар, масалан, ангуза, мурч, тўпалоқ ва қалампирмунчоқдир. Улар овқатга қўшилса, рангни жуда чиройли қилади. Заъфарон ҳам шундай, бироқ заъфарон, айниқса, у шинига солиб ичилса, қонни ҳам бўяйди. Унинг бир ичими бир дирҳамгача бўлади. Зуфо ҳам шулар жумласидандир, зуфодан икки дирҳам ва заъфарондан ярим дирҳам олиб, шакар билан ичилади. Игир ҳам рангни чиройли қилади. "Барбар ўйинчоғи"ни бир дирҳамдан икки дирҳамгача тур-

ли толқонларга яхши қориштириб ичилса ҳам, шундай таъсир қилади, ёмон алангаланиш пайдо қилмаслиги учун у толқонларга аралаштирилади. Сабзавотлардан турп, гандано, пиёз, айниқса, карамни доимо еб туриш лозим, саримсоқ ҳам шу хил таъсир кўрсатади.

Иш, руҳий ҳаракатлардан аччиқланиш, ғазабланиш, жанжаллашиш, мўътадил бадантарбия, кураш тушиш, шунингдек, шодлик, ўйин-кулги, ашула ва куйлар каби ёқимли ҳолатлар, амалдор бўлиш, пок ва хушчақчақ кишилар билан ўтириш ҳамда мусобақа, пойга ва бошқаларда баҳслашув билан бўладиган турли жанжалларни томоша қилиш рангни қизартиради.

Ташқаридан туриб қонни тортиш ва тозалаш орқали рангни яхшиловчи нарсалар: пўсти ажратилган боқила уни, арпа уни, ёввойи ясмиқ уни, буғдой уни ва крахмал, айниқса, нўхат уни, шунингдек, ясмиқ уни, гуруч уни, балиқ елими, гулсафсар илдизи, ладан, анжир, кундур елими, мастаки ва унинг ёғи, тухум пўчоғи, садаф гўшти, муқд, куйдирилган кўрғошин, кўрғошин упаси, фил тиши қипиғи, чириган суяклар ва маҳлабдан тайёрланиб чапиладиган, ювиладиган дорилардир. Хушбўй рўян, ширин ва аччиқ бодом, бодринг ва қовун уруғлари, Рум исмалоғи, қовоқ ва таратизак уруғи ҳам бу жиҳатдан кучли дорилардир. Ҳар куни крахмал ва катирони сут билан суртиш ҳам кўпинча юзни тозалаб тиниқ қилади, тунбош шираси, махсар, янги соғилган сутлар, ҳил-ҳил қилиб қайнатилган бузоқ туёқларининг қайнатмаси, садаф гўштининг қайнатмаси, тухум оқи, сариқ йўнғичқа қайнатмаси ва қашқарбеда қайнатмаси ҳам шундай.

Юз ювиладиган яхши дори: пўсти ажратилган боқила, ёввойи ясмиқ, Миср боқиласи, турп уруғи, пўсти ажратилган қовун уруғи, нўхат ва крахмалдан олиб, ювиладиган дори ясалади.

Яхши суртма дори: боқила уни ва арпа унининг ҳар биридан бир бўлак, нўхат унидан бир бўлак, пўсти ажратилган ясмиқ, катиरो ва крахмалнинг ҳар биридан ярим бўлак, қовун уруғидан икки бўлак ва заъфарондан бўяш

учун етарли миқдорда олиб, шу таркиб кечаси юзга суртилади, кундуз кунни қовун пўчоғи қайнатмаси, гунафша қайнатмаси ва шунга ўхшашлар билан ювиб ташланади.

Бошқа хил суртма: ширин бодом, катиरो, араб елими, боқила уни, гулсафсар илдизи ва балиқ елиmidан баробар бўлақлар олинади, елим ҳаммасига етарли миқдордаги сувга солиб эритилади, сўнгра шу сувга бошқа дориларни солиб, суртма тайёрланади.

Яна Крит лойи ва чигитни совун билан қўшиб суртилса, сепкил, қизил сепкил ва тошмаларни тозалайди. Шунингдек, зайтун ёғининг куйдирилган қуйқаси, ёввойи ясмиқ уни ва Миср боқиласининг ундан баробар бўлақларни олиб суртилади. Беҳи уруғининг шираси заъфарон билан қўшилса, қора ва қизил сепкилларга, шунингдек, ҳамма изларга қарши фойди қиладиган енгил дорилардан бўлади. Турп уруғи ва хардални сиркада ивитилган анжир билан қориштирилса, сепкилни кетказадиган дорилардан бўлади. Хардал ва зирнихдан тайёрланган дори пўстни бир оз шилса, лекин шилинган жойни яра қилмайдиган бўлса, у ҳам сепкилни кетказадиган дорилардан бўлади.

Баданга солинган нақш ва уни йўқотиш

Гоҳо бундай нақшга биз қизил сепкил бобида айтиб ўтган иккала дори қўйилади. Баъзан ўша жойни табиий сода билан ювиб ташлаб, устига бир ҳафта давомида сақични боғлаб қўйиш, сўнгра ечиб, туз билан яхшилаб ишқалаш кифоя қилади. Нақш ва у билан нақшнинг қоралиғи кептунигача сақич қўйиш тадбири қайта-қайта қўлланилаверади. Бундай тадбирлар фойда қилмаса, нақш соладиган игналарни санчиб, яра қилиб еб юбориши учун балозур томизилади.

Баҳақ, вазаҳ, оқ ва қора песлик

Иккала баҳақ билан ҳақиқий оқ песлик ўртасидаги фарқ шундаки, икки баҳақ терида бўлиб, чуқур ботса ҳам, оз ботади. Песлик эса тери ва гўштдан то суяккача ўтади.

Ҳаммасига умумий сабаб ўзгартирувчи қувватнинг заифлиги бўлиб, у озқани мослаштириб, ўзгартира олмай қолади. Иккала баҳақда модда суюқроқ, ҳайдовчи қувват эса кучлироқ бўлади ва у моддани тери юзасига ҳайдайди. Песликдаги модда қуюқ, ҳайдовчи қувват эса кучсиз бўлиб, модда ичкарида ўрнашиб қолади ва ичкарига ўтган нарсанинг мизожини бузади. Натижада модда ичкарида кўпроқ ёпишиб қолади ва ўзгартирувчи қувват уни мослаштириб, ўзгартира олмайди.

Вазаҳ ва песликни даволаш

Бирор кучли сабаб тақозо қилмаса, томирдан қон олишдан ва ҳаммомга тушишдан сақланиш керак. Лекин аҳёнда бир наҳор вақтида ҳаммомга тушиш мумкин. Шароб ичишдан ҳам сақланиш лозим. Бироқ шаробнинг ёлғиз ўзини ичса бўлади. Беморнинг бадани тоза бўлса, ҳаммомда терлаш унга фойда қилади. Бундай бемор қусиш тадбирини ишлатсин. Агар бадан тоза бўлмаса, балғамни бўшатувчи дориларни, сўнгра сийдикни юргизувчи ва ични сурувчи катта иёражларни, айниқса, таркибига Абу Жаҳл тарвузи эти қўшилган иёраж ва шунга ўхшаш ҳаб дориларни истеъмол қилиш керак. Иёражлар халила, девпечак, чилпоя, майиз ва туз қайнатмасига солиб ичилади. Вазаҳ ва песликни келтириб чиқараётган хилтни бўшатишда Нил ўсимлиги уруғининг ажойиб хусусияти бор.

Абу Жаҳл тарвузи эти билан тайёрланган иёражи фиқро ёки мана шу таркибдаги дори ундай беморларга мос келадиган сургилардандир. Хитой дорчини, сунбул, балзам дарахтининг чўплари, мастаки, туёғўт, заъфарон, содаж, сув ялпиз ва Абу Жаҳл тарвузи этининг ҳар биридан бир дирҳамдан, сабирдан ўн саккиз дирҳам олинади. Бунинг бир ичими бир дирҳам ёки бир мисқол бўлиб, асал сиканжубини ва иссиқ сув билан ичилади.

Яна бир мувофиқ сурғи дори: халила ва омиладан бир бўлакдан, турбуддан уч бўлак (ҳар бир бўлак бир уқиядан бўлади) ва каллақанддан ярим бўлак олиб, ис-

сиқ сувда эритиб қиём қилинади, юқоридаги дорилар шунга қориштирилади. Бунинг бир ичими уч дирҳам ёки бир мисқолдан беш мисқолгача бўлади. Мен бу таркибга бир бўлак занжабил кўшишни яхши деб ҳисоблайман.

Атрифул маъжунлари ва шу таркибдаги жуворишлар истеъмол қилинади. Қора халила ва оқ кундур елимининг ҳар биридан бир бўлак, занжабилдан чорак бўлак олиб, майиз асали билан қориштирилади, бундан ҳар куни бир фундуқ миқдорда истеъмол қилинади.

Баъзилар пес бўлган жойни доғлаб фойдаланганлар ва бу каскалликдан қутулиб тинчиганлар. Лекин бу песлик кам бўлган вақтдагина мумкиндир.

Вазаҳ ва песга ишлатиладиган дориларга келганда тозалаши қаттиқ, тоза қонни тортиши кучли ва ўша аъзони қаттиқ қиздирувчи бўлганлари биринчи даражадаги дорилардандир. Яра қилиб пўст ташлаттирадигани эса ундан кейингисидир. Вазаҳ дорилари қаторида бўяш учун ишлатиладиганлари ҳам бор. Доғли жойга қўлланадиган дориларни ўша жойни ишқалаб қизартиргандан кейин ишлатиш керак, у жойни анжир билан то қонагунча ишқалаш ёки кўпгина жойларга игна санчилгандан кейин ишқалаш яхшироқдир.

Чапиладиган дориларни беморни қуёшга тутиб ишлатиш у дориларнинг фойда қилишига ёрдам берадиган тадбирлардан биридир.

Песлик дориларининг афзали яралантирадиган ёки сувли қаварчиқ пайдо қиладиган дорилардир, улар моддани оқизиб, песликни тузатади ва ўша жойни ўз рангига қайтаради. Баъзан у дорилар қаварчиқ пайдо қилишига қўймай, фақат ачиштиргунча қўйиб, сўнгра беморга дам берилгач, яна қайтадан ишлатилади.

Дастлабки эътиборга кўра, песлик дорилари айтиб ўтилган кучли дорилардан иборат бўлиб, икки турли ҳарбақ, оҳак, зирних, етмак, тоғ майизи, чўл қовоғи илдизи, гентиана илдизи, денгиз кўпиги, ангуза, ковул илдизининг пўстлоғи, хардал, исириқ, турп уруғи, ёввойи бодринг илдизи, таратизак уруғи, рўян, қоқила, мозариюн, зок, яшил зок, зангор, олтингугурт, агар ҳаммомда иш-

латилса, қитрон, дашт пиёзи, куст, аристолохия, лола, тоғ газাগўтининг елими ва фарфиюн кабилардир.

Кирмдона ҳамда сирка қўшиб кетма-кет суртилса, олтингугурт ва наргис пиёзи ҳам пес касаллигига жуда мувофиқ доридир. Навшадил ҳам синалган дорилардан. Тухум ёғи яхши суюқ суртма, чаёнўт илдизи ҳам ажойиб доридир. Вазаҳ учун нилуфар илдизи, пўст ташлаган қора илон қони, сақмуниё илдизи, куруқ анжир барги, самбитгул барги, қора андиз ва унинг барги, уштурғоз ҳам яхши доридир.

Суюқликларга келсак, улар сирка, махсар, сариқ тунбош суви, дашт пиёзининг суви, айниқса, денгиз пиёзининг суви, самсақ суви (у айниқса қортиқ изларидан иборат бўлган песликка фойдали), қора андиз шираси ва афё илони этининг шўрвасидан иборатдир.

Биз қуйидаги дорини тажриба қилиб кўрдик: балозур асали, айиқтовон, каптар тезаги, олакуланг, чакамуғ, турп уруғи, хардал уруғи, рўян, хина, ўсма ва зокдан баробар бўлакларни олиб суртиб, сувли қаварчиқ пайдо қилинади. Сўнгра улар тешилади ва пайдо бўлган яралар даволанади. Песлик тузалгунича бу тадбир қайта-қайта қўлланилаверади.

Қортиқ излари сабабли пайдо бўлган песликни кетказадиган дори тунбош суви, самсақ суви, рўян ва чакамуғдан иборат бўлиб, бу таркибни бақам дарахти суви билан қўшиб суртилади.

Песликка ишлатиладиган бўёқларга келсак, буларга аниқ миқдор кўрсатиш мумкин эмас, чунки териларнинг ранги турличадир. Бироқ буларга қонун-қоидалар кўрсатилади, кейин ундан олдинга ёки кетинга қараб чекинилади. Ўшандай бўёқларнинг бири: шўра тузи, мурр, шароб қуйқаси, қизил кесак, рўян, аччиқтош ва шуларга ўхшашларни олиб, таркиб қилиб суртилади. Ёки мана бу биз синаб кўрган бўёқ ишлатилади: ёнғоқ пўсти, ўшанча хина ва хинага баробар миқдорда ўсма аралаштирилади.

Яна оҳак, зирних ва чакамуғнинг ҳар биридан бир бўладан, рўяндан икки бўлак олиб, асал суви билан қўшилади ва песликнинг кўринишига қараб ишлатилади.

Бошқа хил бۆёк: Миср акасияси, дармана, оҳак, мози, зок ва хиналарни олиб, асал ва қора сирка билан қориб суртилади.

Яна зок, яшил зок ва мозини олиб, янчилади ва қора сирка билан қориштириб, қуёшда пес бўлган жойни ишқалаб, унга бир неча маротаба суртилади, бу узоқ қоладиган бۆёқдир.

Яна қора чакамуғ, темир чирки, этикдўзлар ишлатадиган зок, зангор, рўян ва анор пўстини олиб, узум сиркаси билан қўшилади. То қорайгунча янчилади, буни пес бўлган жойга бир неча марта суртилади.

Бу касалликка учраган кишиларнинг овқатлари енгил гўштлардан, доривор қўшиб тайёрланган қовурилган нарсалар - қовурмалар, мутажжана (товада пиширилган овқатлар) ва кабоблардан иборат бўлади. Бундай киши шароб ичиш билан чекланиб, имкони борича сув ичишдан мутлақо сақлансин ёки уни қайнатиб ёхуд шароб билан аралаштириб озгина ичсин.

Темираткини даволаш

Темираткини даволашда асосан тарқатиш, парчалаш, эритиш ва суюлтириш хусусиятларини ҳамда тўхтатиш ва рутубатлантириш каби хоссаларни ўзига жамлаган дориларга эҳтиёж тушади. Уларнинг олдинги хусусиятларга эга бўлганлари қуюқ моддаларга нисбатан қўлланилади, иккинчилари эса ўткир ва суюқ модда учун ишлатилади. Шу икки ҳолатдан бирининг устун чиқишига қараб темираткига юқоридаги икки тадбирдан бири кўпроқ қўлланилади.

Зулук солиш темираткининг энг яхши даволаридандир. Темиратки моддасини тозалашда унинг ортидан кўринаётган ҳолатга мослаб оғиз суви ичириш, овқатлантириш, рутубатлантириш ҳамда рутубатлантирувчи тадбир қўллашда саъфани даволаш учун энг зарур бўладиган нарсалар керак бўлади. Ҳаммом ҳам унинг зўр даволаридандир. Баъзан қуруқ ҳаводан ажралиб туришга ҳам эҳтиёж тушади. Айрим кишиларнинг айтишича, темиратки пайдо

бўлишига қарши фойда қиладиган ва пайдо бўлганини тузатадиган дорилардан шуки, лаккдан бир дирҳамини сабирни ювгандек ювиб, хушбўй матбухнинг уч уқияси билан қўшиб ичирилади. Темиратки ёйилиб кўпайиб кетса, мохов касаллигининг давоси билан даволанади.

Сутли тошмалар

Гоҳо бурун ва юзга сут томчилари сингари оқ тошмалар тошади. Бунга бадан юзасига ҳайдалаётган бадан буғининг зардобсимон моддаси сабаб бўлади. Қуригиш ва тарқатиш хусусияти бор ҳар бир нарса бунга даво бўлади. Масалан, оқ харбақ ва унинг ярмича гулсафсар илдизидан дори ясаб чапланади ёки бурақ билан бирга зиғир уруғи, сирка билан бирга анжир ва седана суртилади.

Қўтир ва қичимани даволаш

Куюнди ҳамда ўткир хилтни, шўр балғамни чиқариб ташлайдиган нарса билан баданни бўшатиш қўтир даволари ичида энг аввал ишлатиладиган, энг яхши фойда қиладиган ва кифоя бўладиган тадбирдир. Сўнгра овқатни яхшилаб, шунга ўхшаш боблардан билиб ўтганингга мувофиқ ҳўллолчи чора қўлланилади. Тез бузилиш хавфи бўлмайдиган сувли бемаза нарсалар, масалан, тарвуз, сачратқи, сутчўп ва шунга ўхшашлар истеъмол қилинади, сиртдан ҳам дори ишлатилади. Жинсий алоқа бутунлай тўхтатилади, чунки жинсий алоқа моддаларни сиртга қараб йўналтиради ва ўткир чириган буғни қўзғотади, бундай буғ тери юзаси томонига келиб, у жойни бузади. Шу сабабли бадан ҳиди ҳам сассиқ бўлиб кетади. Шунинг учун жинсий алоқадан сўнг баданни ишқалаб ювиш буюрилган.

Сариқ халила, шоҳтара, сано, чилпоя ва дармана қўшилган девпечак қайнатмаси қўтир моддалари турларини бўшатувчи яхши дорилардандир. Гоҳо бу тадбирга қизил гул, сачратқи уруғи ва шунга ўхшашлар ҳам, гоҳида эса махсус хусусияти туфайли кончўп ҳам, баъзан

сақмуниё ҳам қўшилади. Шунингдек, сабр ва сақмуниё ҳаби яхши доридир.

Яхши қайнатма: сариқ халила ва майизнинг ҳар бирдан йигирма дирҳамгача олиб, уч ритл сувда то учдан бири қолгунча қайнатиб сузилади, шу суюқликдан учдан икки ритл олиб, бунда ўн дирҳам хиёршанбар ивителиди. Сўнгра яна сузиб, унга бир дирҳам дарахт пўкаги қўшилади.

Михга, букилган шохга ўхшаш сўгаллар ва уларнинг бошқа хилларини даволаш

Агар касаллик кучайиб, ўртача даражадан ўтиб кетса, шошилинич равишда томирдан қон олиб, қонни камайтириш, шунингдек, савдо хилтини бўшатиш зарурдир. Яхши каймус пайдо қиладиган ва бир неча маротаба баён қилинган бошқа тадбирларни ҳам қўллаш керак.

Сўгалнинг ўзини даволашга келганда бу аччиқлик ва буриштириш хусусиятига эга дорилар билан бўлади. Сўгалнинг энгил хилига энгил дорилар ишлатилади. Масалан, сўгалларга доимо писта ёғи, сузғичдан ўтказиб уч кун ўз ҳолига қўйилган буғдой қайнатмаси, татим қўшилган набат ганданосининг суви ва бон дарахтининг ёғи суртилади. Ҳамда ковул барги, сарв ёнғоғи ва хом зайтун суртилади. Жавзи мозаж ҳам яхши доридир. Сўгалнинг энгил хили учун анжирнинг ҳўл барги, кучли хилига ҳўл ёнғоқ пўчоғи ва қуриган анжир ишлатилади. Жингак азияти кам бўлиши билан бирга сўгалнинг катта ва кучли хилига яхши дори бўлади. Бобил толи патак илдизининг пўсти ва унинг кулининг сирка билан қўшилгани ҳам шундай.

Яна яхши дорилардан бири шуки, исириқ ва хинани янчиб элакдан ўтказилади ҳамда совуқ сув қўшиб суртилади. Сўгалнинг кучли хилига ишлатиладиган кучли дорилар, масалан, оҳак, зирних, ишқор, айниқса, бунинг ўлдирадиган симоб билан, хусусан, дуб кули, зайтун ёғи ва тузда ўлдирилган симоб билан қўшилган ҳамда пиёз суви, дашт пиёзи ва эчки тезағи билан тайёрланган суртмадан иборат.

Умуман ёрилишни даволаш

Агар ёмон хилт бор бўлса, уни бўшаттириш, мизож қуруқ бўлса, уни ўзгартириш, шунингдек, турли ёғлар, айниқса, пўсти артилган кунжут ёғидан бир ярим уқияни ҳар кун узум шираси ёки майиз ивитилган сув билан қўшиб, кетма-кет бир неча кун ичиш керак. Сув қисқичбақаларининг қайнатмаси ҳам сув ва шакар билан ичирилади ва ёрилган жойга доимий суратда ёғ суртиб турилади.

Агар ёрилиш совуқдан бўлса, бунга қарши араб акасиясининг шираси фойдалидир. Яна шолғом қайнатмаси, шолғом, лавлаги барги ва унинг қайнатмаси, айниқса, буларнинг машхур чарви ёғлари билан қўшиб тайёрланадиган мумли суртмалари, илик ёғлари, ҳўл зифт ва қитрон фойдали.

Агар ёрилиш иссиқдан бўлса, рутубатли совуқ ширалар қўшилган рутубатли совуқ мумли суртмалар ишлатилади, овқат тузатилади ва илик сув билан ювиниб турилади.

Лаб ёрилишини даволаш

Терини тортиштириб қуритиб, ҳўлликни шимдирган ел ёки совуқ ё иссиқ ёхуд қуруқ мизож туфайли пайдо бўладиган қуруқлик лаб ёрилишига сабаб бўлади. Лаб ёрилишининг сабаблари таъсир этмасдан бурун ёрилишининг олдини олиш учун мумли суртмалар, турли чарвилар, илик ёғлари, ҳўл зуфо қўшилган гул ёғи суртилади. Булар гоҳо воқе бўлган ёрилишни ҳам кетказди. Ёки лабга юпқа пардалар, масалан, тухум пардаси, қамиш пардаси, саримсоқ ва пиёз пўстлари ёпиштирилади.

Пайдо бўлган лаб ёрилишини кетказишга келсак, унинг учун яхши дорилардан бири шуки, эски шароб қуйқасининг қовурилгани ва сақични олиб, бирон ёғ билан, масалан, товуқ ёки фоз ёғи ва асал билан қориштирилади. Ёки тўзондек қилиб янчилган хом мозини олиб, оловда эритилган сақич билан аралаштирилади. Ухлаш олди-дан киндикни ёғлаш ёки ёғга ботирилган пахтани киндик тешигига қўйиш лаб ёрилганда фойдали, дейдилар.

Оёқ ёрилишини даволаш

Оёқ ёрилиши гоҳо ёмон буғлар, гоҳо эса қуриб қов-жираш сабабли юз беради. Қисқаси, бунда ўша буғлар-ни тарқатувчи нарса фойда беради.

Оёқ ёрилишини узоқ вақт иссиқ сувга солиш, унга ўсимлик ва ҳайвон ёғлари, айниқса, эчки ва қорамол ёғи ҳамда мум билан бироз қуюлтирилган илик ёғини суртиб кетказиш мумкин. Шунингдек, канакунжут ёғи, поча ёғи ва чин ёғи суртилади, бу жуда фойдалидир. Думба ёғини оловга тутиб томизилса ҳам, жуда яхши бўлади. Хина жуда яхши даводир, айниқса, исириқ қай-натмаси билан қориштирилган хина ўта фойдали. Узум шираси ҳам шундай хусусиятга эга. Оёқ ёрилиши ана шу айтилган дорилар билан даволанади.

Агар улар фойда бермаса, ёриқларга кириб, уларни ёпиш-тирадиган нарсаларни тиқишга эҳтиёж тушади. Касални ювинтириб, оёғини иссиқ сувга солгандан кейин ана шундай даво қиладилар. Ўша тиқиладиган нарсаларга чангдек қилиб, янчиб эзилган катиро қўшилади, бу ажойиб дори бўлади.

Яна мум, кунжут ёғи, сақич ва суюқ майъа елимини олиб, ҳаммасини бир-бирига қўшиб, оёқнинг ёрилган жойига тиқилса, ажойибдир. Ўсимлик ва чарви ёғлари билан эзилган кундур елими жуда фойдали, куйдирил-ган қисқичбақани зайтун ёғида эзиб ҳам суртилади, қўл ёрилганида бу тез фойда беради. Ёки тўқай пиёзининг ичини олиб, зайтун ёғида қайнатилади ва бунда сақични эритиб, ёрилган жойларга қўйилади. Зайтун қўшилган сақичнинг ўзи ҳам фоятда фойдалидир.

Панжа ораларининг ёрилиши

Бу ҳам юқорида кўрсатилган нарсалар билан даво-ланади. Бунинг ўзига хос дориси шуки, чилпоя илдизи-ни тўзондек қилиб янчиб, қўйиб боғланади.

Орқанинг яраланиши

Гоҳо кўп чалқанча ётиш натижасида, айниқса, беморларда орқа аввало қизариб ёрилади, сўнгра яраланади. Қизариш бошланганида чалқанча ётмаслик ва уни қайтарадиган дориларни ишлатиш керак. Касал кишига эса новдасидан синдириб олинган тол барги, тариқ ва пат каби нарсалардан тўшак қилиб бериш лозим. Булар юмшоқ мато ёки шунга ўхшаш нарса ичига тиқилади. Агар ярага айланса, қўрғошин упаси малҳами қўйилади.

Қўлтиқ ҳиди ва уни даволаш

Айрим кишиларнинг даъвосича, қўлтиқ ҳиди маний қолдиқларидан вужудга келар эмиш, гўё бу қолдиқлар қўлтиққа келиб, тери тешикларига жойлашар эмиш. Бу даъвога ишониш керак эмас. Қўлтиқ ҳидини инсонда манийга айланадиган модда буғига ва унинг қўзғолишига нисбат бериш тўғрироқ бўлар эди. Буни даволашга келсак, аввало зарур бўлса, баданни тозалагандан кейин тўтиё, куйдирилган қўрғошиннинг ишлангани, турли тўполлар, мирта кули ва аччиқтош эритилган сув билан даволаш керак. Гоҳо бу дориларга сандал қўшилади ва кофур билан ҳам аралаштирилади. Яхши кулча дори: сандал, сейлон дорчини, омила шираси, сунбул, аччиқтош, мурр, содаж ва гулнинг ҳар биридан бир бўлакдан, тўтиё ва куйдириб оқланган қўрғошиннинг ҳар биридан уч бўлакдан ва кофурдан ярим бўлак олиб, бу таркибдан гул суви билан кулча дори ясалади ҳамда қуритиб истеъмол қилинади.

Яна қизил гул, омила шираси, сунбул, тўпалоқ, мурр ва аччиқтошнинг ҳар биридан ўн бўлакдан олиб, гул суви билан кулча ясаб, қўлтиққа чапланади.

Бит ва сиркага қарши

Кўплаб пайдо бўлиб, тўхтовсиз кўпая бораётган битларга қарши даво қўллашда аввало баданни тоза-

лашга, айниқса, томирдан қон олиб тозалашга, шунингдек, овқат тадбирини яхшилаш ҳамда моддаларни сиртга қараб йўналтирувчи ҳаракатларни тўхтатишга тўғри келади. Кейин битлаган жойга хос дорилар ишлатилади. Бунга доимо ювиниб, тозаланиб туриш ҳам фойда беради. Олдин шўр сув билан, кетидан чучук сув билан ювиниш яхшидир. Кийимларни алмаштириб туриш, ипакли ва канопли кийимлар кийиш керак. Дори ичиш орқали ҳам битлар ўлади. Масалан, тоғ ялпизи қайнатмаси билан саримсоқ қўшиб ичилса, шундай бўлади.

Битланган жой дориларига келсак, булар қуритувчи, тарқатувчи ва сиртга тортувчи бўлиши зарур. Агар аҳвол жуда аянчли бўлса, у дориларга заҳарли қувват аралаштиришга эҳтиёж тушади. Зайтун ёғи билан татим ҳамда шавил, унинг барги ва илдизи, ё зайтун ёғи билан аччиқтош, ё озоддарахт барги, ё анор барги, ё Абу Жаҳл тарвузининг барги, ё мирта барги, ё сарв барги, ё зиғир барги, ё хушбўй қамиш ва дорчин битланган жойга ишлатиладиган дорилардандир. Махсар ёғи фойдали ва битга тўсқинлик қилувчидир. Турп ёғи ҳам ажойиб. Сейлон дорчинининг пўсти, аристолохия, назла ўти, гулхайри илдизи, тошчўп, жулах, Рум арпабодиёни, кийик ўти, қичитқийўт уруғи, бўйимодарон ва ёввойи зира ҳам шундай.

Яхши дори: момисо шамча дориларидан уч дирҳам, кустдан ярим дирҳам, буракдан бир дирҳам ва шуларнинг ҳаммасича крахмал олиб, оҳак аралаштириб суртилади.

Миср боқиласи битланган жойни ювиш учун ишлатиладиган яхши ва кучли дорилардандир. Лавлаги қайнатмаси, юлғун қайнатмаси, тоғ ялпизи қайнатмаси, сарв барги қайнатмаси ва санавбар барги қайнатмаси ҳам шундай. Агар ювиладиган дориларга ҳайвон ўтлари қўшилса, яхши бўлади. Етмак билан буғлаш, шунингдек, тоғ майизи билан, зирних билан, айниқса, омила шираси билан, хусусан, олтингугурт билан буғлаш битланганда қарши кўриладиган чоралардандир.

Ориқликни кетказиш

Ориқликка сабаб - овқатда семиртирувчи модданинг йўқлиги ёки суюлтирувчи овқатни кўп истеъмол қилиш (бунда баданда кўп қон пайдо бўлмай қолади) ёхуд тоза қон пайдо бўлмайдиган овқат билан чекланиб туришдир. Бунга яна овқатни ишлатувчи қувватнинг, яъни ҳазм қилувчи қувватнинг ёки озиқни аъзоларга тортувчи қувватнинг заифлиги ҳам сабаб бўлади, уларнинг заифлигига эса мизож бузилиши, кўпинча бузилган совуқ мизож сабаб бўлади ёки кўп ҳаракатсиз ётиш сабаб бўлади, бунда тортувчи қувват ухлаб қолади. Айниқса, табиатга озиқни тортишда ёрдам берадиган ва табиат унга одатланган жисмоний ҳаракатдан кейин ана шундай бўлади, жисмоний ҳаракат қилинмай қўйилса, тортувчи қувват, ҳатто мўътадил озиқни ҳам тортмай қўяди.

Ориқликка яна қоннинг табиатга ёқмаслиги ҳам сабаб бўлади, сафро аралаш қон тортувчи қувват учун сув аралаш рутубатли қондан кўра ёқимсизроқ бўлади. Ёки талокнинг катталашиб, жигарни қисиши сабаб бўлади, бунда қоннинг кўпи талоққа тортилади, талоқ ва жигар орасидаги зиддият сабабли жигар қуввати заифлашади. Гавдада гиҷжаларнинг кўпайиб тўдаланиб ётиши ёки хилтдан тери тешикларининг тўсилиб торайиши ёхуд совуқлик ё иссиқлик ё фақатгина қуруқлик натижасида тери тешикларининг бирикиб буришиб торайиши ҳам ориқликка сабаб бўлади, буларнинг ҳаммасини ўз белгилари орқали биласан. Доимий равишда боғич боғлаб қўйиш ҳам ориқликка сабаб бўлади, бунда тери тешиклари ва йўллар тўсилиб, баданга озиқ тортилмайди, айниқса, кесак ейиш тери тешикларини тўсиб қўяди. Ёки ориқлик тарқалишнинг кўплигидан бўлади, бунда аъзоларга тортилаётган озиқ бир ерга тўпланмай, сочилиб-тарқалиб кетади. Масалан, тез қилинадиган жисмоний ҳаракатлар, турли хафалик ва ғамгинликлар, тарқатувчи касалликлардан шундай бўлади.

Озгина вақт ичида озиб кетадиган баданларнинг қайтадан семириши ҳам қисқа бир муддатда бўлиши мумкин. Узоқ

вақт ўтиб озган баданлар эса кўп овқат истеъмол қилишга қувватларининг заиф экани сабабли аста-секин қўлланиладиган тадбирдан бошқа тадбирни кўтара олмайди.

Териси ғовак ва осон чўзиладиган баданлар семиришга қобилиятли бўлади. Заифлик, иссиқ-совуқдан, тўқиниш-уринишлардан кўп таъсирланиши ва жинсий алоқа кишини ориқланишдан сақланишга мажбур қиладиган омиллардандир, бундай кишининг еган овқати томирларда тўхталиб қолади, нарига ўтмасдан бузилади.

Семизликнинг ҳам зарарлари бор, уларни келгусида баён қиламиз. Мўътадил семизликдан яхшиси йўқ. Агар семизлик зарар келтирмаса, уни ёмон санама, чунки ҳаёт рутубатдадир. Лекин эҳтиёт бўлишинг, гарчанд офат юз бермаса ҳам, ҳаддан ташқари семириш йўлини севмаслигинг керак. Чунки семизлик офати тўсатдан ва бирданга келиб етадики, бу ҳақда ўз жойида айтилади.

Бадан ва ҳаволар қуриса, ориқлик пайдо бўлади.

Даволаш

Ориқ кишини тинч қўйиб ором берилади, кўрпа-тўшаги юмшоқ қилиб қўйилади. Соя жойга жойлаштириб хурсанд қилинади, хушбўй нарса ҳидлатиб, совуқ нарсалар ичирилади. Чунки бу тадбирлар табиий қувватни жуда кучайтиради, натижада у озиқларни яхши ишла-тиб, чиқиндиларни ҳайдаб чиқаради. Булар эса семириш сабабларининг бошланғичидир.

Қуюқ шароб ичиш, ҳазм бўлганда каймуси яхши бўладиган кучли ва пишиқ овқатлар, масалан, турли ҳалимлар, умочлар, ширгуруч, қовурилган гўшт кабиларни ейиш керак. Чунки қовурилган гўштда гўшт қуввати қамалиб қолиб, у пишиқ эт пайдо қилади. Қайнатилган гўшт эса ғовак, таралиб кетадиган ва қарорланмайдиган эт пайдо қилади. Ўрдак гўшти семиртирувчидир, товуқ гўшти ҳам шундай, каклик гўшти бу жиҳатдан жуда етукдир. Шакар қўшилган мағизлар ҳам шундай. Овқатдан кейин ҳаммомга тушиш озиқни баданга жуда торттирувчи ва семирти-

рувчи тадбирдир, лекин бу иш кишининг жигарида, айниқса, ейилган овқат семирмоқчи бўлган кишилар ейдиган овқатдан бўлса, тиқилмалар пайдо қилади. Шунинг учун буни қўллайдиган кишиларда тош пайдо бўлади. Яратилишда томирлари тор бўлган кишида шу хил тиқилмалар ва тошлар кўп пайдо бўлади, бироқ ҳамма кишилар шундай бўлавермайди. Агар бундай кишилар ўнг томонларида оғирлик сезсалар, уларга жигар тиқилмаларини очадиган маълум дорилар ичирилади. Уларга то оғирлик кетгунча овқатдан олдин сирка ва асал қўшилган ковул маълум уруғлар сиканжубини ичирилади.

Овқат биринчи ҳазмдан ўтиб, қуйига тушган пайтда ҳаммомга тушиш яхшидир. Шу билан бирга ҳаммомдан чиққандан кейин фурсат ўтказмай овқат ейиш ҳам семиршига сабаб бўлади. Кўпчилик одамларни, айниқса, сўлиш ҳолатидаги одамларни ҳаммом жуда яхши семиртиради, ҳаммомга дастлабки ҳазмдан кейин, яъни овқат, айрим хилларини мустасно қилганда, меъдадан қуйига ўтганда тушиш керак. Иссиқ мизожлар кишиларга ачимаган қатикдан тайёрланган айрон берилсин.

Мўътадил мизожлар учун мўлжалланган дориларнинг бири: бодом, пўсти ажратилган фундук, сақич дарахтининг меваси, писта, наша уруғи ва катта хил санавбар донасидан олиб, бу таркиб асал билан қорилади, ундан жавза миқдорида бўлақлар ясалади ва шулардан ҳар куни беш жавзадан ўн жавзагача истеъмол қилиб, устидан шароб ичирилади. Бу семиртиради, рангни чиройли қилади ва жинсий алоқа қувватини кучайтиради.

Яна семиртириб рангни чиройли қиладиган яхши дори: бир маккук оқ ун ва беш уқия анзиратгўштхўрни олиб, иккаласини қорамол ёғи билан яхшилаб қорилади ва бу таркибдан кулчалар ясаб, эрталаб ва кечқурун еб турилади. Ёки бодом, пўсти артилган фундук, сақич дарахтининг меваси, кунжут ва кўкнордан баробар миқдорда, касилодан ярим бўлак, каллақанддан шуларнинг ҳаммасича олиб, ҳар куни эрталаб ва ухлаш олдидан йигирма дирҳамгача кафт отиб турилади.

Иссиқ мизожлилар учун яхши тадбирлар: кўпда қуюқ бўлмаган ва ачимаган, балки сингишли ва енгил ҳазм бўлиши учун ёғи олинган қатиқ айронини олиб, озғин кишига ярим ритл миқдорда ичирилади ва у то ҳазм бўлгунча уч соат тўхтатилади, кейин иккинчи марта ўшанча ичирилади, кечгача овқат берилмайди. Ундай кишиларнинг овқати семиз жўжа гўштидан иборат бўлади, агар суюқ оқ шароб ичишни кўтара олса, ичирилади. Агар кечки овқат ейишдан олдин суюқ тиниқ набиздан бир қадаҳ ичиб, сўнг ҳаммомга тушса ва ҳаммомдан чиқиб кечки овқатни еса, жуда яхши бўлади.

Бошқа хил тадбир: нўхатни олиб, сигир сутида бир кечакундуз ивитиб қўйилади, агар сутни янгилаб, нўхат кўпроқ ивигилса ҳам, мумкин. Сўнгра ювилган оқ гуруч, янчилган кўкнор уруғи, янчилган буғдой ва арпаларнинг ҳар биридан ўттиз дирҳамдан, қуритилган оқ нон ва оқ шакарнинг ҳар биридан ўттиз дирҳам, пўсти артилган бодомдан эллик дирҳам олиб, ҳаммаси бирга қўшилади. Бу таркибдан ҳар куни ўттиз дирҳамни янги соғилган сутда ёки ўсимлик мойи ва сариеғда қайнатиб ичилади. Кейин ичилган нарса баданга тарқаладиган миқдорда ваннада чўмилинади.

Ёки янги соғилган сутдан бир ритлни бир ритл сувга солиб, то сув йўқолиб кетгунча аста-секин қайнатилади. Бу қайнатмага бир уқия каллақанд ва бир уқия сигир сутини ёғи ва кунжут ёғи солиб, яхшилаб қайнатиб истеъмол қилинади.

Ёки нўхат уни, боқила, арпа ва гуручдан баробар бўлақлар, пўсти ажратилган ясмиқ, оқ кўкнори, пўсти ажратилган мошларнинг ҳар биридан ярим бўлақ, ёрилган буғдой ва пўсти ажратилган кунжутдан ярим бўлақдан ҳамда шакардан икки бўлақ олиб, қўй сутини қўшиб, суюқ овқат тайёрланади ва эрталаб истеъмол қилинади.

Ажойиб дори: мингдевонани олиб, бир кечакундуз ивигандан кейин сув билан ювиб қуритилади. Сўнгра сариеғга чўмдириб, янчиладиган даражада қовурилади. Устига тўрт баробар келадиган миқдорда пўсти ажратилган бодом ва шунча ёнғоқ, шу миқдорча шакар қўшилади. Ухлаш олдидан ундан беш дирҳамча истеъмол қилинади.

Кўл, оёқ, лаб, бурун, олат қалпоғи ва олатнинг ўзи каби айрим аъзоларни семиртириш

Бунга эришиш ейиладиган ва ичиладиган нарсалар орқали бўлмай, балки ўша аъзонинг ўзига хос тадбирни қўллаш орқали бўлиши мумкин, чунки овқатлар бадан учун умумийдир. Муайян аъзога озиқни тортиш, унда озиқни тўхта-тиб туриш ва уни ўша аъзо табиатига айлантириш лозим. Бу эса дағал латга билан ишқаб қизартириш ва қизартирувчи дорилар билан бўлади, кейин олдингисидан кўра кучлироқ ишқалаб, илиқ сув қуйилади, сўнгра зифт суртилади, айрим табиблар қуруқлик зулугини соладилар, булар қизил қуртлардан иборат бўлиб, зифт қувватига эгадир.

Озиқ моддасининг аъзодан ёки озиқ тақсим қилинадиган жойдан бошқа аъзога ўтиб кетадиган йўлини тўсиш орқали озиқни шу аъзога йўналтириш ҳам унинг семиришига ёрдам беради. Лаб, бурун ва қулоқ каби баъзи аъзоларга темир қурол билан қилинадиган махсус амаллар бор. Айтишларича, лаб ва бурун қисқа бўлса, уларнинг ўртасини ёриб, икки томони очилади ва ўртадаги этнинг қаттиғи кесиб олинади, шундай бужмайиб қисқариш орқали улар узаяди.

Ҳаддан ташқари семизликнинг айблари

Ҳаддан ташқари семизлик баданнинг ҳаракатига, кўтарилишига ва ўзини эплай олишига халақит беради. У томирларни қисиб торайтиради, натижада руҳ йўли тўсилиб, кўпинча руҳ сўлиб қолади. Уларга майин ҳаво ета олмай қолади, оқибатда улардаги руҳнинг мизожи бузилади. Уларда тор жойга қоннинг ҳайдалиб бориш хавфи пайдо бўлади, баъзан тўсатдан бирор томир ёрилиб ўлдириб қўяди. Бундай ҳолатда ва бундан олдинги вақтларда у кишиларда нафас қисилиш ва хафақон юз беради, шу пайтдаги ҳолатга қарши томирдан қон олиш чораси кўрилсин. Қисқаси, улар тўсатдан ўлиши мумкин. Умуман, ҳаддан ташқари семиз кишилар тез ўлади, айниқса, умрининг бошланғич пайтида бўлган кишиларда шундай бўлади, улар сакта,

фалаж, хафақон касалликларига, рутубатлиликлари сабабли ич кетишга, нафас олишнинг ёмонлашувига, беҳуш бўлиб қолишга ва ёмон иситмаларга мойил бўладилар. Улар руҳ йўлларининг торлиги, мизожларининг жуда совуқлиги, қоннинг камлиги ва балғамнинг кўплиги сабабли очликка ва ташналикка чидай олмайдилар.

Киши совуқ мизожли бўлмаса, бундай семизликка эриша олмайди, шунинг учун улардан фарзанд бўлмайди, ўзлари соғлом бўлмайдилар ва эрлик уруғлари оз бўлади. Семиз хотинлар ҳам шундай, уларнинг бўйида бўлмайди, ҳомиладор бўлсалар ҳам, бола ташлайдилар, уларнинг шаҳватлари ҳам заиф бўлади.

Оздириш тадбири

Оздириш тадбири семиртириш тадбирининг аксидир. Бу эса овқатни кам бериш, овқатдан кейин ҳаммомга тушириш, кучли бадантарбия қилдириш, узоқ вақт ўтказиб овқатлантириш, озиқ бўлмайдиган ва озиғи қуруқ бўладиган таом ёки ясмиқ, нонхўриш ва сиркаланган нарсалар сингари мазаси ўткир ё шўр овқатларни беришдан иборат.

Уларнинг ейдиган нонлари кепакли ва арпа нони бўлсин, овқатларига иссиқлик дориворлар кўпроқ қўшилсин. Уларнинг айтиб ўтилган овқатларига жуда ёғли нарсалар қўшилса, айниқса, уларни тез тўйғизиб, кам овқат ейишларига ёрдам беради. Чунки иштаҳалари кучсиздир. Улар кунда бир маҳал овқатлансинлар. Овқат моддаси йиғилиб қолса, уни тарқатиш тадбири қўллансин, бунга кучли бадантарбиялар қилиш, дағал кийим кийиш, дағал тўшакда ётиш, совуқ сув ўрнига иссиқ сув ишлатиш, совуқ ҳаво ўрнига иссиқ ҳавода бўлиш орқали эришилади. Шунингдек, бадан озиқни қабул қилмаслиги учун доимо уни очиб совуқ ҳавога тутиш ёрдам беради. Бу ичкаридан келаётган нарсаларнинг тортилиш муқаддимаси бўлган мўътадил тарқалишга тўсқинлик қилади. Агар ёз пайти бўлса, бадан иссиқ ҳавода очиб турилади, шунда тарқалиш кўпайиб, аъзога тортилаётгандан кўра кўпроқ озиқ тарқалади.

Кучли хилтларни бир-биридан ажратиб, томирлар йўлидан бошқа ёққа йўналтирадиган, натижада томирларни оч қўядиган ва бошқа ишларни ҳам бажариб турадиган дори ишлатиш яхшироқ, бу дорилар ҳайз қонини ҳам кучли равишда юргизиб, семиз хотинларнинг озишига ҳам ёрдам беради. Бу дорилар гентиана илдизи, газাগўт уруғи, юмалоқ аристолохия, тоғ петрушкеси ва жулах кабилардир. Сандарак елимида қаҳрабо қувватига қарши оздирувчи жуда кучли хусусият бор. Лакк ҳам ана шундай хусусиятга эга, петрушка уруғи ҳам шундай. Зок кучли равишда оздирувчи бўлса-да, хатарлидир, самсақ ҳам шундай.

Мураккаб дори: юмалоқ зарованддан бир дирҳам, ингичка хил луфодан учдан икки дирҳам, Рум гентианаси илдизи, жулах, тоғ петрушкеси ва афё илони тузининг ҳар биридан уч дирҳамдан олинади, шунинг ўзи бир ичим бўлади.

Кучли дори: ёввойи бодринг илдизи, гулхайри илдизи ва говшир илдизини олиб, ҳаммасидан элаки дори ясаб, бир дирҳамдан ичилади. Яна жувона уруғи, газাগўт уруғи ва зирадан баробар бўлакдан, қуруқ самсақ ва бурақнинг ҳар биридан чорак бўлак ва лаккдан бир бўлак олинади. Бу таркибнинг бир ичими бир мисқол бўлади.

Бундай кишилар наҳорга ҳаммомга тушишлари, ҳаммом эса ҳаволи ва терлатадиган бўлиши, сувли ва рутубатлантирувчи бўлмаслиги керак. Агар ҳаммом сувли бўлса, тарқатмай, фақатгина тортиш натижаси келиб чиқмаслиги учун унда узоқ туриш керак эмас. Ҳаммомдан кейин овқатланишга шошилмаслик, балки сабр қилиб ётиш, бадан-тарбия қилиш, сўнг ором олиш, шундан кейин озгина ва енгил овқатланиш керак. Шунингдек, бундай кишини уқалганда кетма-кет ва тарқатадиган равишда уқалаш лозим.

Тирноқда юз берадиган тиришиш, эгрилик ва моховлик

Бу касаллик тирноқда кўпинча савдо хилти сабабли юз беради, савдо хилти тирноқни букади, тириштиради, қийшайтиради ва мохов қилади. Кўпинча бу касалликка тир-

ноқда юз берган, кўчирувчи воситаларнинг бири сабаб бўлади. Тирноқ яхшилаб жойлаштирмоқчи бўлинади. Лекин уни аста-секин қилмасдан, ҳадеб қўл теккизила берилади ва оғритилади, натижада тирноқ ёмон кўринишда ўсиб, ҳамма вақт шу кўринишда чиқаверади. Чунки тирноққа келадиган озиқ келади-ю, икки табиий йўл билан унга ўтмайди ва тарқалмайди, натижада тирноқ тагида йиғилиб, илдиз сингари шу касалликка ёрдам беради.

Кўпинча букилган ва қийшайган тирноқни етти кун чарви боғлаб қўйиш орқали даволанади, кейин шиша парча билан қирилади. Бу тадбир тирноқ тўғрилангунча қайта-қайта қўллаб турилади, кўпинча тирноқ йиқилиш сабабли кўчиб тушади. Шунда унинг оғриғи зўрайиб, иситма пайдо қилади.

Даволаш

Сабаб савдо хилти бўлиб, у хилт бутун баданга тарқалади. Тирноқларнинг ҳаммаси касалланган бўлса, у хилтни бўшатиш зарур. Бу пайтда энг мувофиқ тадбир овқатни мослаштиришдир, кунжут ёғини доимо ичиб турадиган кишининг тирноқлари текисланади.

Агар савдо хилти фақат тирноқнинг ўзида бўлса, касал жойнинг ўзига ишлатиладиган даволар қўлланилади. Буларнинг баъзиси тирноқни юмшатиб, уни қириб текислаш учун тайёрланади, масалан, тирноққа оҳак ва зирних ишлатилса, уни пичоқ билан исталганча қириш мумкин бўлади. Шунингдек, тирноққа бўза қуйқаси боғлаб қўйилса, уни текислашни осонлаштиради ёки агар қўл чидай олса, тирноқ мум билан қиздириб текисланади. Сарв елими тирноқни юмшатиш учун яхши қуюқ суртмадир. Зиғир уруғи ҳам тиришган тирноқ учун яхшидир. Эритилган қўй ёғи бир неча кун тирноққа боғлаб қўйилса, уни юмшатади. Биринчи боғлашда юмшатмаса, то уни юмшатиб текисланишга тайёрлангунча бу тадбир бир неча мартаба қайтарилади.

Тирноқда юз берадиган песлик

Сарв ёнғоғини олиб янчиб, сирка ва ун билан, айниқса, Миср боқиласи уни билан аралаштириб, тирноққа боғлаб қўйилса, песликни кетказади. Индов билан қўшилган зиғир уруғи ҳам шундай. Ёки қизил зирних ва санавбар елими билан аралаштирилган, куйдирилган шароб дурдаси ҳам песликни кетказади. Хўл зифт, айниқса, қизил зирних ёки сарв ёнғоғи билан қўшилса, бу хусусда ажойиб дори бўлади. Балиқ елими ҳам ажойиб етук доридир. Шавил илдизини сирка билан қўшиб суртилса ҳам, ажойиб бўлади.

Тирноқ пачақланишидан унинг тагида пайдо бўладиган ўлик қон

Бунга зифт аралаштирилган унни боғлаб даво қилинади. Агар бу қаноатлантирмаса, балки қўл тадбирини ишлатишга эҳтиёжи тушса, тирноқни то тагидаги қон чиқиб кетгунча ўткир қурол билан қиялаб аста-секин ёриш керак. Агар бу тадбир сабабли тирноқ кўчиб кетса, ўлик қонни оқизиб, тирноқ жойига асталик билан ёпиштириб қўйилади. Бунда эҳтиёт бўлиш ва оғритмаслик керак. Бир неча кундан кейин қаралади. Агар тирноқ тагида йиринг бор бўлса, тирноқни босиб ёки астагина ёриб йиринг чиқариб юборилади, сўнг қайтадан боғлаб қўйилади. Шу пайтда этга тегилмасин. Бу милкакдагидан ҳам кучлироқ оғриқ қўзғатади. Балки эт тирноқ билан берки-тиб қўйилсин. Ва тирноққа илиқ сув билан ёғ қуйиб турилсин. Охирида босиқун марҳами қўйилсин.

* * *

"Зийнат китоби" тугади. Шу билан "Қонун"нинг тўртинчи китоби ҳам тамом бўлди.

Ҳамма оламларнинг тарбиячиси Аллоҳ таолога мақтовлар бўлсин. Яратган саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг авлодларини раҳмат қилсин. Уларга Ўз саломини йўлласин.

СОДДА ДОРИЛАРНИНГ ЛУФАТИ

А

- Абу Жаҳл тарвузи - ханзал - кюквинт
Адороқий, алкион - адороқий - алкион диоскорида,
"морская пена"
Айиқтовон - кабикаж - лютик
Алоэ - қ. сабир
Али гунафшаси - фуқломинус - цикламен
Анбар - анбар - амбра
Ангуза - ҳилтит - асафетида
Анжир - тин - инжир
Анзиратгўштхўр - анзарут - камедь растения
Анор - руммон - гранатник
Анор гули - жулланор - цветник гранатника
Араб акасияси - шавкат-ул мисрийя - аравийская ка-
медоносная акация
Араб акасиясининг шираси ёки елими - ақоқийё -
сок /или камедь/ аравийской акации
Араб елими - самғ - гумми арабик
Арека палмасининг данаги - атют - семя арековой
пальмы
Аристолохия - зарованд - аристолохия, кирказон
Ариа - шаъир - ячмень
Арпабодиён - оқзира - розиёнаж - фенхель
Арча бужири - абҳал - можжевеловые ягоды
Асал - асал - мед
Асал майвизак - дибқ - омела
Асорун, ёввойи нордин - асорун - копытень
Асфалт - қ. Яҳуд битуми
Атрифул - бунинг асосини уч мева: халила, балила ва
омила ташкил этади
Асфодел, сирач - хунсо - асфодель
Афъо илони - гадюка
Аччиқтош - шабб - квасцы

Б

- Балзам дарахти - баласон - бальзамное дерево, бальзам
Балила - балилаж - миробаланы беллирические

Балиқ - самак - рыба
Балозур - балозур - анакардиум аптечный
"Барбар ўйинчоғи" - лаъба бербарийя - мандрагоры
Бақа жўхориси, сассиқ тол - шитараж - клоповник
широколиственный
Бақам дарахти - баққам - саппоновое дерево
Бақлажон, потинжон - бодинжон - баклажан
Баҳман - баҳман - бахман
Бетел - танбул - бетель
Беҳи, ҳайва - сафаржал - айва
Бинафша, гунафша - бинафсаж - фиалка душистая
Биринж - бронза бўлиши мумкин.
Бистпоя - басфойиж - полиподиум
Бобил толи, мажнунтол - ғараб - ива
Бодом - лавз - миндаль
Бодринг - қисса - огурец
Бол, асал - асал - мед
Болдирғон - қ. сассиқ коврак
Бон дарахти - бон - бан или моринга безкрылая
Босилиқун марҳами /яъни, сўзма-сўз "шоҳ марҳам
дориси"/
Боқила - боқилло - бобы конские
Бронза - биринж - бронза
Бувана - қ. парпи
Булут ва унинг тоши - исфунж ва ҳажаруҳ - губка и
ее камень
Бунк - бунк - наскафтон диоскарида
Бурақ, танакор - бурақ - баврак, сода природная
Бурчоқ - кирсанна - вика чечевицеобразная
Буғдой - ҳинта - пшеница
Бўза - фуққо - буза
Бўйимодарон - қайсум - тысячелистник сантолиновый
Бўри - зиъб - волк

В

Варан - варал - варан
Варс ўсимлигидан олинадиган сарғиш қизил порошок
- железки

Г

Газакўт - сазоб - рута

Газанда - қ. қичитқийт

Галбан елими - қинна - гальбан

Гандано, порей пиёзи - куррос - порей, лук порей

Гандуми девона - қ. мастак

Геккон калтакесаги - Сом абрас - ящерица геккон

Гентиана илдизи - жантиёна - горечавка

Глет - қ. куйдирилган қўрғошин

Говшир - жовшир - опопанакс

Горчиса, қичи - хардал - горчица

Гулсапсар, гулсафсар, лилия - савсан - касатик и лилия

Гулсапсар илдизи - ирисо - корневище касатика /ириса/, "фиалковый корень"

Гулхайри - хитмий - алтей

Гуруч - қ. шоли

Гўшт, эт - лаҳм - мясо

Д

"Дарахт пўкаги" - ғориқун - агарик

Дарё қисқичбақаси - саратон наҳрий - рак речной

Дармана - ших - полынь цитварная

Дафна дарахти - ғор - лавр

Девпечак - афтимун - повилика

Денгиз кўпиги - забад ул-баҳр - "Морская пена", алки-
он Диоскорида

Денгиз пиёзи - ишқил - морской лук

Денгиз пиёзи - унсал - морской лук

Денгиз қисқичбақаси - саратон баҳрий - рак морской

Денгиз қуёни - арнаб баҳрий - морской заяц

Дорчин, долчин - дорсиний - корица китайская

Дуб ёнғоғи - баллут - дуб, жолуди

Е

Елим - ғиро - клей

Елим - қ. сақич

Етмак - кундус - качим

Ёввойи арпа - давсар - дикий ячмень

Ёввойи бодринг - қиссо ул-ҳимор - бешенный огурец

Ёввойи гул ҳамишабаҳор - толониюн - дикая живучка
Ёввойи занжабил - зурунбод - дикий имбирь
Ёввойи пиёз - булбус - лук гадючий
Ёввойи сано уруғи - ҳабб ул-қилқил - семена дикой
касии

Ёввойи ясмиқ - кирсанна - вика чечевицеобразная

Ёнғоқ - жавзо - орех грецкий

Ёғ - духн - масло

Ёғ, чарви - шаҳм - жир

Ж

Жавз бавво /мускат ёнғоғи/ пўсти - басбоса - мускат-
ный цвет, мацис

Жавзи мозаж - форсча гавзи мозаж /юлғун бужури/
нинг арабчалашган шакли

Жингак - харнуб - рожковое дерево, цареградские рожки

Жувона - нонхоқ - ажгон, амми

Жуворишн ёки гуворишн - бу сўзнинг луғавий маъ-
носи "ҳазм қилиш"дир. Жуворишн дейилганда меъда
фаолиятини ва ҳазм қилиш қувватини кучайтирадиган
дорилар тушунилади. Гуворишннинг маъжунлардан
фарқи улар меъдада узоқроқ ушланиб туриши учун тар-
кибий қисмлари йирикроқ янчилади ва мазали қилиб
тайёрланади.

Жумрут - авсаж - крушина

З

Задвор - жадвор - цитварный корень /зедоарий/

Зайтун - зайтун - маслина

Зангор - зинжор - ярь - медянка

Зангпоя - шавкарон - болиголов пятнистый

Зарчава - уруқ ус-саббоғин - куркума, чистотел большой

Заъфарон - заъфарон - шафран

Зира - каммун - кумин

Зирних - зарних - мышьяк

Зифт, смола, қитрон - зифт - смолы

Зифир уруғи - бизр каттон - льняное семя

Зок - зож - купорос

Зуфо - қ. қуруқ зуфо ва ҳўл зуфо

И

- Игир - важж - аир
Иёраж - мураккаб сурги дори, асосий таркибий қис-
мини алоэ ташкил этади
Индов, таратизак - ҳурф - кресс посевной
Ипак - ибрисам - шелк
Исириқ - ҳармал - гармала /могильник/
Исмалоқ - исфонох - шпинат
Испарак - қ. "тоғ майизи"
Иёраж фикро - аччиқ иёраж
Илон - ҳайя - змея
Индов - жиржир - индау посевной
Иссоп, ҳиссоп - зуфо ёбис - иссоп
Ит - калб - собака
Итузум - инаб ус-саълаб - паслён
Итқовун - қ. ковул
Ишқор, ушнон - ушнон - солянка

К

- Каклик - қабж - горная куропатка
Какликўт ва бошқалар - саътар - саътар
Каллақанд - фонид - леденец
Калтакесакнинг бир тури - азоъа - вид ящерицы
Камфара - қ. кофур
Камхастак - маҳлаб - вишня магалебская
Канакунжут - хирва - клешевина обыкновенная
Кангар - ҳаршаф - артишок
Каноп, наша - қиннаб - конопля индийская
Каптар - ҳамом - голубь
Карам - курунб - капуста
Касило - баъзи манбаларда долчин деб кўрсатилган
Катиरो - касиро - трагакант /камедь астрагала/
Кашнич - кузбура - кориандр /кишнец/
Қаҳрабо - қаҳрабо - янтарь
Келин тили - занжабил ул-килоб - водяной перец
Кесак - набла - комок, кусок сухой глины
Кийик ўти, кийигўт - машкатаромашиъ - диктаман
Кийикпанжа - катод - астрагал

Кир, чирк - васах - грязевой /налет/
Кичик қоқила - ҳилбавво ва ҳолбавво - мелегетский
перец /райские зерна/

Кичик ва катта қоқила - хайрбавво - перец мелегетский
Ковул, итқовун - кабар - каперсы
Кончўп - момирон - чистотель большой
Кофур, камфара - кофур - камфара
Коху - қ. сутчўп
Крахмал, нашоста - нашо - крахмал
Кримдона - қ. мозариюн уруғи
Крит лойи - тин икритуш - глина критская
Куйдирилган қўрғошин, глет - мурдосанж - окись
свинца, глет

Кундур елими - кундур - ладан
Кунжут - симсим - кунжут
Кунор дарахти - сидр - ююба
Кунор дарахтининг меваси - набиқ - плоды ююбы
Кўкнор - хашхаш - мак снотворный
Кўршапалак - хуффош - летучая мышь

Л

Лаблаб - қ. қўйпечак
Лавлаги, қизилча - силқ - свекла обыкновенная
Ладан - лозан - ладан
Ладан - қиссус - ладанник, ладан
Лакк - лакк - шеллак, лак
Ланолин - қ. ҳўл зуфо
Леканора - кавзгандум - леканора
Леканора - жавз жандум - леканора
Ликий - қ. филзаҳра
Ликий шираси - ҳузаз - сок ликия
Лимонўт - бодранжбия - Melissa лекарственная
Ложувард - лозувард - ляпис - лазурь
Лола - шақойиқ - анемона
Луфо, хотинак супурги - қантуриюн - золототысяч-
ник, василек
Люпин, "Миср боқиласи" - турмус - люпин

М

Мажнунтол - ғараб - ива

Майиз - забиб - изюм

Маймунжон - уллайқ - ежевика кустарниковая

Майға елими - майға - стиракс

Маккий сано - сано маккий - сenna александрская

Малобатр - содаж - малобатр

Манд - анбарнинг ёмон қора хили бўлиб, у кўпинча еб ўлган балиқнинг қорнидан олинади - Манд - это черная плохая разновидность амбры, манд часто находят в желудках рыб, которые пожирают его и издыхают

Марказит, пирит - морқашисо - марказит, пирит

Марсин, мирта - ос - мирт

Марҳам - марҳам - мазь, пластырь. Марҳам дейилганда майда қилиб, мумли ёғ билан қориб, яра, жароҳат ва айрим шишларни даволашда ишлатиладиган дорилар тушунилади.

Маска ёғ - зубд - масло сливочное

Мастак, гандуми девона - шайлам - плевел, опьяняющий

Мастаки - мастако - мастика

Матбух - қайнатма

Маҳсар - усфур - сафлор красильный

Маҳсар - хомоловун - сафлор

Меҳригиё - ябруҳ - мандрагора

Мингдевона, эшакмия - банж - белена

Мирра (қитрон) - мурр - мирра

Мирта, марсин - ос - мирт

Мис - нуҳос - медь

Миср акасияси - қ. араб акасияси

"Миср боқиласи" - қ. люпин

Мозариюн - мозариюн - волчье лыко

Мозариюн уруғи, қичитқийт уруғи - кримдона - плоды волчьего лыка

Мози - афс - галлы

Момақалтироқ - алусан - бурачок

Момисо - момисо - мачок

Мош - мош - маш

Мум - мум - воск белый

Муррий - муррий /мураккаб дори бўлиб, энг яхши муррий ёзда арпа унидан, чўлялпиз, туз, укроп, петрушка уруғи, долчин, қаранфил ва бошқа дорилар аралаштириб тайёрланади/

Мурч - фулфул - черный перец

Мусаллас - қ. шароб

Мускат ёнғоғи - жавзбавво - орех мускатный

Мутажжана - товада пиширилган овқатлар

Мушк /яъни, эркак кабарга кийигининг мушк безларидан олинадиган ўткир ҳидли бир модда/ - миск - мускус

Муқл - қ. Яҳуд муқли

Муғос - муғос - мугас

Мўй, соч - шаър - волосы

Н

Набиз - хурмо, майиз, асал, шунингдек, каллақанд - дон ўсимликларидан тайёрланадиган май ёки умуман маст қиладиган ичимликни билдиради

Навшадил - нушодир - нашатырь

Назла ўти - ақирқарҳо - слюногон

Наргис - наржис - нарцисс

Наша - қ. каноп

Наша уруғи - ҳабб ус-сумна - конопляное семя

Нашоста - қ. крахмал

Нилуфар - нилуфар - кувшинка

Нил ўсимлиги - нил - индиго красильное

Нил ўсимлигининг уруғи - ҳабб уннил - ипомея плющевая

Нон - хубз - хлеб

Нўхат, бурчоқ - ҳиммас - нут

О

Одам анжир - қ. тутанжир, яъни жуммайз

Одамгиё - қ. меҳригиё

Озаргун - қ. тирноқгул

Озоддарахт - озад дарахт - мелия ацедарах

Олакуланг - зарориҳ - шпанские мушки

Олмос - алмос - алмаз

Олтин - заҳаб - золото
Олтингутурт - кибрит - сера
Омила - амлаж - миробаланы эмблические
Оқ гулсафсар - занбақ - лилия белая
Оқ харбақ - харбақ абяз - чемерица белая
Оҳак - нура - известь

П

Панжангушт - асобий суфр - прутняк
Панжангушт - банжангушт - прутняк
Панир - қ. пишлоқ
Парпи, бувана - биш - аконит, борец
"Парпи сичқони" ва унинг тарёқи - биш муш ва буҳо - аконитная мышь и противоядие от аконита
Парсиёвушон, сумбулсоч - барсиёвушон - венерин волос, адиантум
Пахта, ғўза - қути - хлопчатник
Петрушка, селдерей - карафс - сельдерей, петрушка
Пиёз - басал - лук репчатый
Пион гул, саллагул - фовоний - пион лекарственный
Пирит - қ. марказит
Писта - фустуқ - фисташки
Пишлоқ, панир - жубн - сыр
Потинжон - қ. бақлажон

Р

Равоч илдизи - риванд - ревень
Ротиёнаж - қ. санавбар елими
Рўян - фувват ус-саббоғин - марена красильная

С

Сабр ёки сабир, алоэ - сабир - сабур, алоэ
Сада - қ. қайрағоч
Садаф, чиганоқ - садаф - раковина и моллюски, образующие раковины
Садаф гўшти
Саллагул - қ. пион гул
Самбитгул, толгул - дифло - олеандр
Самоъний лойи - тин самоъний - тин самаъи
Самсақ - қ. тоғ райҳони

Санавбар - санавбар - пиния
 Санавбар бужури - ҳабб ус-санавбар - орешки пинии
 Санавбар елими - ротинаяж - смола пинии
 Сандал оғочи - сандал - сандаловое дерево
 Сандарак - сандарус - сандарак
 Сарв - сарв - кипарис вечнозеленый
 Сариеғ - самн - масло топленое, қ. маска ёғ
 Саримсоқ - сум - чеснок
 Сарикбош - қ. шўра
 Сарик йўнғичқа, шамбала - ҳулба - пажитник - сенный
 Сассиқ қаврак, болдирғон - анжудон - ферула вонючая
 Сассиқ қаврак илдизи - уштурғоз - корень одного из
 видов феруллы
 Сақич, елим - илк - смола
 Сақич дарахтининг меваси - ҳаббат ул-хазро - плоды
 терпентинового дерева
 Сақмуниё - сақамуниё - скаммоний
 Седана - шуниз - кнопля индийская
 Селғдерей - қ. петрушка
 Семизўт - бақла ҳамқо - портулак огородный
 Сигирқуйруқ - бусир - коровяк
 Сидр - қ. кунор дарахти
 Сийдик - бавл - моча
 Сиканжубин - сиканжубин - уксусомед /бу сирка ва
 асалдан ёки сирка ва шакардан тайёрланади/
 Симоб - зийбақ - ртуть
 Сирач - сириш - клей, приготовляемый из корней
 эремуруса
 Сирка - халл - уксус
 Сиҳнот - тузланган балиқдан қилинадиган нонхўриш
 Смола, қитрон - зифт - смола
 Сода, табиий сода - натрун - сода
 Содаж - қ. малобатр
 Содоварон - бошқа манбаларда кўрсатилишича, чи-
 риган сақич дарахтининг танасида пайдо бўладиган қора
 сиёҳга ўхшаш ялтироқ модда
 Сопол - хазаф - обоженная глина

Сув - мо - вода
Сумбул - сунбул - сумбул
Сумбулсоч - қ. парсиёвушон
Сусмор - ҳирдавн - вероятно, это съедобная ящерица
стеллион

Сут - лабан - молоко
Сутли ўтлар - яттуъ - молочайные
Сутчўп, коху - хасс - латук
Суяк - изом - кости
Сўк - қ. тариқ
Сўлак - луюб - слюна

Т

Танакор, бурақ - бурақ - сода природная
Таратизак - хурф - кресс посевной
Тарвуз - биттих ахмар - арбуз
Тариқ, сўк - жоварс - просо
Татим - суммоқ - сумах дубильный
Тезак, ахлат - зибл - кал
Темир - ҳадид - железо
Темир занги - сада ул-ҳадид - ржавчина железа
Тери - жилд - кожа
Тизимгул - риъй ул-ҳаммом - вербена лекарственная
Тиканли оқ ток - қ. чўл қовоғи
Тило шароби ёки тило - узум пишгандан кейин бир
оз токда қолдирилади ёки пишган узумни узиб, офтоб-
га қўйилади, сўнгра уни сиқиб, шарбати қайнатилади
Типратикан - қунфуз - ёж
Тирноқгул, озаргун - озарюн - ноготки
Товуқ ва хўроз - дажош ва дик - курица и петух
Ток - карм - виноградная лоза
Ток лойи - тин ул-карм - виноградная глина
Тол - хилоф - ива
Толгул - қ. самбитгул
Толқон - савиқ - толокно
Тофсиё, яъни тоғ газавтунинг елими - тофсиё - тапсия
Тошчўп, тоғжамбил - наммом - чабрец
Тоғжамбил - ҳошо - тимьян

"Тоғ майизи", испарак - майвизаж - живокость
Тоғ петрушкаси - самирниюн - петрушка горная
Тоғ райҳони, самсақ - марзанжўш - майоран
Тубулғу - қ. юлғун
Туёқ - зилф - копыто
Туёғўт - қ. асорун, ёввойи нордин
Туз - милҳ - соль
Тунбош - куннобро - клоповник крупка
Турбут - турбуд - турбит
Турп - фужл - редька
Тут - тус - шелковица
Тутанжир - жуммайз - сикомор
Тухум - байз - яйца
Тўпалоқ - суъд - клубни
Тўпол - тўпол - окалина
Тўтиё - тўтиё - тутия
Тўқай пиёзи - ишқил - морской лук

У

Уд - уд - алойное дерево
Уд дарахти - ағложун - алойное дерево
Узум - инаб - виноград
Узун мурч - дор фулфул - перец длинный
Умуман лой - кесак - тин мутлақ - глины
Урамастика калтакесаги - забб - ящерица уромастикс
Ушар - ушар - асклепиада
Уштурғоз - қ. сассиқ каврак илдизи

Ф

Фарфиюн - фурбиюн - млечный сокевфорбия
Фил - фил - слон
Филзаҳра - ликий - филзаҳраж - ликий
Фундуқ - ўрмон ёнғоғи, бундуқ - лещина, лесной орех

Х

Хавлинжон - хавлинжон - галанга, калган
Харбақ - қ. оқ харбақ, қора харбақ
Хардал - қ. горчица
Хиёршанбар - хиёршанбар - кассия стручковая
Хотинак супурги - қ. луфо

Хурмо - тамр - финики

Хушбўй қамиш - қасаб уз-зарира - тростник душистый

Ц

Сейлон дорчини - салиха - корица цейлонская

Ситрон, смола - қитрон - древесная смола

Ситрон - утружж - цитрон

Ч

Чакамуг - олиюн - подмаренник болотный

Чигиртка - жарод - саранча

Чиёнўт, филгўш /фил кулоқ/ - луф - аронник

Чилпоя - қ. бистпоя

Чинор - дулб - платан /чинар/

Ш

Шамбала, сариқ йўнғичқа - ҳулба - пажитник сенный

Шамча дори ёки шиёф /бу ёнғоқ катталигида тайёрланадиган мураккаб дори. У асосан икки хил бўлади: 1) кўз ва бурун касалликлари учун тайёрлангани; 2) ичак ва бачадон касалликлари учун тайёрлангани/

Шароб, мусаллас - шароб - вино

Шақудис - шақудис - шуқудис

Шинни - майбухтаж - варенный виноградный сок

Ширгуруч - рисовая молочная каша

Шиша - зужож - стекло

Шовул, шавил - қ. қўзиқулоқ

Шоли, гуруч - аруза - рис

Шолғом - шалжам - репа

Шафтоли - хаух - персиковое дерево

Шоҳтара - шоҳтараж - дымянка

Шўра, сариқбош - қоқулло - солянка и др.

Э

Эман, болут, дуб ёнғоғи - баллут - дуб, желуди

Эрман - асфантин - полынь горькая

Эрон кавраги - сакбинаж - сагапен

Эт, гўшт - лаҳм - мясо

Эчки - жади - коза

Эшак - ҳимор - осел

Эшак ганданоси - қ. гандано

"Эшак кохуси" - Абу ҳалсо - воловик красильный
"Эшак кохуси" - шанжар - воловик красильный
Эшакмия - қ. мингдевона

Ю

Юлғун, тубулғу - тарфо - тамарикс, гребенщик
Юлғун бужури - жавзи мозаж - галлы тамариска
Юнг - суф - шерсть

Я

Ялпиз - наъно - мята
Ялпиз - фудунаж - мята пулегиевая
Яман долчини - армок
Ясмин - ёсамин - жасмин
Ясмиқ - адас - чечевница
Яттуъ - қ. сутли ўтлар
Яшил зок - қалқанд - зеленый купорос
Яҳуд битуми - асфалт - қафр ул-яҳуд - битум иудейс-
кий, асфальт
Яҳуд муқли ва Макка муқли - муқл ул-яҳуд ва муқл
ул-маккий - иудейский бделлий и мекканский бделлий

Ў

Ўрдак - батт - утка
Ўрмон ёнғоғи - қ. фундуқ
Ўсма, нил ўсимлиги - васма - вайда и индиго
Ўт - марора - желчь

Қ

Қайрағоч - буқисо - вяз /карагач/
Қайрағоч - дардор - вяз
Қайрағоч, сада - шажарат ул-баққ - вяз
Қайроқтош - ҳажар ул-мисанн - точильный камень,
песчанник
Қайқахун - қайқахун
Қалампирмунчоқ - қаранфул - гвоздичное дерево
Қамиш - қасаб - тростник обыкновенный
Қамиш шакари - суккар - сахар тростниковый
Қатиқ - роиб - кислое молоко
Қашқарбеда - икнил ул-малик - донник лекарственный
Қизил гул - вард - роза

Қизил кесак - тин ул-мағра - красная охра
Қизилча - қ. лавлаги
Қирққулоқ - дарубторис - попоротник
Қитрон - қ. смола
Қичитқиўт, газанда - анжура - крапива
Қичитқиўт уруғи - қ. мозариюн уруғи
Қовоқ - қарь - тыква
Қовун - биттих - дыня
Қон - дам - кровь
Қора андиз - росан - девясил высокий
Қора йўнғичқа, қора беда - ҳандақуқо - пожитник голубой

Қора харбақ - харбақ асвад - морозник черный
Қортиқ - миҳжам - банка
Қоқила - қ. ҳил
Қуйқа - қ. чўкма
Қурбақа - зифдаъ - лягушки
Қурут - масл - курут /т.е. отцеженное и высушенное в виде шариков молоко/
Қуруқ зуфо, иссоп, ҳиссоб - зуфо ёбис - иссоп
Қуст - қуст - костус
Қўзиқорин - камъа - трюфель
Қўзиқулоқ, шовул - ҳиммоз - шавель
Қўй - даън - баран
Қўйпечак, чирмовгул - лаблоб - вьюнок полевой
Қўл тадбири - яъни, хирургик усулни қўллаш
Қўрғошин - обор ва онук - свинец

Ғ

Ғоз - батт - гусь
Ғофит - ғофит - посконник канопляновидный
Ғўза - қ. пахта

Ҳ

Ҳабб уз-залам - ҳабб уз-залам - чуфа
Ҳабб ул-мулук - қ. ҳабб ус-салотин
Ҳабб ус-салотин - ҳабб ул-мулук - данд - кротон
Ҳаб, ҳабдори - ҳабб - пилюля, лекарство
Ҳабдори - қ. ҳаб

Ҳайвон тезаги - баър ул-ҳайвон - кал животныхных
 Халила - халилаж - миробаланы
 Ҳалим - ҳариса - арабское название густой похлеб-
 ки из дробленной пшеницы, кусочков мяса и масла
 Ҳаммом - ҳаммом - баня
 Ҳил - қоқила - кардамон
 Ҳина - ҳинно - хна, хенна
 Сусмор - ҳирдави - вероятно, это съедобная ящерица
 смеллион
 Ҳўл зуфо, ланолин - зуфо ратаб - ланолин

АЙРИМ ИСТИЛОҲЛАРГА ИЗОҲЛАР

Баҳақ - витилиго. Баҳақ қора ва оқ бўлади. Иккала баҳақ ўртасидаги фарқ шуки, уларнинг бири савдо моддаси сабабли, иккинчиси эса хом балғам сабабли вужудга келади. Қора баҳақ билан қора песлик ўртасидаги фарқ пўст ташлаш, пўстнинг танга-танга ва сополсимон бўлишидир; бу ҳолатлар қора баҳақда бўлмайди. Кейин қора песлик ҳам бир хил бўлмайди, унинг баъзиси дағал ва баъзиси силлиқ бўлади.

Вазаҳ - бу оқ баҳақ деб ҳам аталади. Вазаҳ билан ёмон песлик орасидаги фарқни эса ажрата билиш қийиндир. Бу икковининг ўртасидаги фарқлардан бири мўйнинг вазаҳ устида бошқа мўйлар рангида қора ёки қизғиш бўлиб ўсишидир, песлик устида эса мўй фақат оқ бўлиб ўсади. Яна бир фарқ шуки, игна санчилганда вазаҳдан қон чиқади, песлик жойдан қон чиқмайди, балки сувсимон рутубат чиқади, бу тузалмайди.

"Илон касаллиги". "Тулки касаллиги" билан "илон касаллиги" ўртасидаги фарқ шуки, "илон касаллиги"да фақатгина мўй тўкилмайди, балки илонда юз бергани сингари юпқа пўст ҳам шилиниб тушади, баъзан пўст илон шакли сингари дўнгроқ бўлади. "Тулки" ва "илон" касаллигини келтириб чиқарадиган модда гоҳо сафро, гоҳо савдо, гоҳо балғам, гоҳо бузилган қон моддаси бўлади.

Мизож. Умуман қарашда мизож ақлан тақсим эътибори билан иккига бўлинади. Биринчиси, мизожнинг ҳақиқий мўътадил бўлмоғи шу асосдаки, мизож эгасидаги қарама-қарши кайфиятларнинг миқдори тенг бўлади. Ана шу миқдор ораларидаги ўрта кайфият ҳақиқий мўътадил мизождир. Иккинчиси, қарама-қарши кайфиятлар орасидаги мизож мутлақо баробар бўлмай, икки томоннинг бирига, яъни совуқлик ва иссиқликнинг бирига ёки ҳар иккисига мойилроқ бўлишидир.

Милкак - иссиқ чиқиқсимон шиш бўлиб, тирноқ ёнида пайдо бўлади. Унинг оғриғи зўр бўлиб, гсҗо ярага ҳам айланиб кетади ва эт ейилишига олиб келади. Гоҗо унинг ярага айланиб кетган хилидан суюқ сассиқ модда оқади, бунда бармоқ учун хавф-хатар пайдо бўлади. Кўпинча иситма ҳам чиқади.

Саъфа - ярали тошмалар жумласидандир. Саъфа қичишадиган енгил тошма шаклида бошланиб, баданнинг бирмунча жойларида пайдо бўлади, сўнгра қовжираган ярага айланиб, қизғиш рангга ўтади, баъзан эса ундан сариқ сув оқади ва буниси шаринча ҳамда ҳўл саъфа деб аталади. Баъзан дастлабки пайтда қуруқ темираткига ўхшаб, кўпинча қишда қўзғалади, сўнгра тез йўқ бўлиб кетади.

"Тулки касаллиги". Терида ва мўй илдизлари унадиган жойда ўрнашиб олган ёмон модда "тулки касаллиги" пайдо бўлишининг сабабидир. У модда мўйлар илдизини бузиб ейди ва илдизларга яхши физо келишига тўсқинлик қилади. Бу ҳолат тулкиларда пайдо бўлганидан "тулки касаллиги" деб аталган.

"Фил касаллиги" - элефантиазис. Бунда вена кенгайиши касаллигида бўлганидек, оёқ панжаси катталашиб йўғонлашади. Бу касаллик баъзан савдо хилтидан бўлади, бу кўпроқ учрайди, баъзан қуюқ балғам хилтидан бўлади. Гоҗо у томир кенгайишининг сабабларидан ва яхши қондан ҳам бўлади, кейинги ҳолда қон оёққа кўп тушиб, оёқ ундан оз бўлса ҳам озиқланади. Бунда оёқ олдин қизил бўлиб, кейин қораяди.

Хафақон - юракда пайдо бўладиган учганга ўхшаш бир ҳаракатдир. Унинг сабаби юракка азият берувчи ҳар бир нарса бўлиб, у юракнинг ўзида ё унинг филофида бўлади ёки юракка у билан ёнма-ён турган ва ҳамкор аъзолардан келади. Хафақон гоҳо хилтли моддадан, гоҳо моддасиз содда бузуқ мизождан, гоҳо шишдан, гоҳо узлуксизликнинг бузилишидан бўлади, баъзан эса чет бир сабабдан ва гоҳида қаттиқ ҳис (қўрқиш)дан бўлади.

Хилт - Ибн Сино асарларида физиология билан потологиянинг негизи тўртта бадан суюқлиги - хилтлар ҳақидаги таълимотга асосланган эди. Бу таълимотга мувофиқ, одамнинг баданида тўрт хил хилт, чунончи, қон, балғам, сафро ва савдо бордир. Қон артерия ва веналарда, балғам мияда, сафро жигарда ва савдо талокда бўлади. Бу хилтлар маълум миқдорда аралашганда ва уларнинг ўзлари мўътадил бўлганларида киши соғ бўлади. Агар хилтлар мўътадил равишда аралашган бўлмаса, аксинча, киши касал бўлади.

Қулғуна - арабчаси хонозир. Бу истилоҳ билан лимфа безларидаги сил касаллиги аталган. Қулғуна ёғли ўсмага ўхшайди, лекин у ёғли ўсмадек этдан ажралиб турмай, балки этга ёпишиб туриши билан фарқ қилади. Қулғуна кўпинча юмшоқ, ғовак этда пайдо бўлади. Бунинг ҳам асабли пардаси бўлади. Қулғунанинг жуда каттаси кам учрайди. Баъзан унинг биттасидан бир қанча қулғуна туғилади. Бу хусусда у сўгалга ўхшайди.

ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

Дирҳам - 2,975 грамм

Жавза - 38,25 г.

Маккук - 200 г.дан ортиқроқ

Мисқол - 4,25 г.

Ратл (ритл) - 340 г.

Уқия - 29,75 г.

ШАХСИЙ НОМЛАР

Арасту (Аристотел) - қадимги юнон файласуфи ва олими, у эрамизгача бўлган 384-322 йилларда яшаб ўтган.

Дискурдус (Педаний Диоскорид) - Кичик Осиёда I асрда ўтган юнон фармакологи ва табиби.

Жолинус (Клавдий Гален) - пергамлик машҳур табиб ва табиатшунос, тахминан эрамизнинг 130-200 йилларида ўтган.

МУНДАРИЖА:

Сўзбоши	3
Ўрта аср Шарқида доривор ўсимликлар ва зийнатга оид дориларни ўрганиш тарихидан	4
Зийнат ҳақида Ибн Сино ва Абу Бакр Розий айтганлари	11
Зийнатга оид содда дорилар (жами 266 та)	23
Зийнатга доир мураккаб дорилар	58
Содда дориларнинг ўзбек, араб ва рус тилларидаги луғати	85
Айрим истилоҳларга изоҳлар	100
Ўлчов бирликлари	102
Шахсий номлар	103
Мундарижа	103

УДК: 398:22-054
ББК: 84.3 (6-С)
С-18

Абу Али ибн Сино
Сирли табобат

(зийнат китоби)

Муҳаррир: Зуҳра Ҳамдамова
Техник муҳаррир: Аббос Турсунов
Нашрга тайёрловчи: Акмал Нажмиддинов
Мусахҳиҳ: Алишер Рўзиматов

Нашриёт лицензияси:

41 № 239 – 2013 йил 4 июль

Босишга рухсат этилди: 04.11.2017й. Бичими 84x108/32

Офсет босма усулида урилди. Times гарнитураси.

Шартли босма табоғи 6,5.

Адади 5000 нусхада. Буюртма № 91

Нашриёт манзили:

«Адабиёт учкунлари» нашриёти, 100027,

Тошкент шаҳри, Ўкчи кўчаси, 29-уй.

Босмахона манзили:

«GOOD GROUP MEDIA» МЧДда чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Чилонзор-14, 32-уй.



Ушбу китоб ҳозирги кунда энг муҳим ва зарур бўлган масала - инсон чиройига бағишланган бўлиб, у мўйнинг тўкилиши ва пўст ташлашдан сақлайдиган, мўй рангини ўз ҳолига келтирадиган, юз ва қўлни чиройли қиладиган, оқ ва қора песликни йўқотадиган, қўтир, қичима, милкак ва сўгални тuzатадиган, тери ёрилишларини битирадиган, семиз кишини эса оздирадиган, тирноқларда юз берадиган эгрилик, улардаги песлик ва моховликни даволайдиган содда ва мураккаб дорилар тавсифидан ҳамда уларнинг ишлатиш йўлларининг баёнидан иборат.

Ушбу рисола кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-5098-0-1



9 789943 509801